21 ЯНВ 1992

Халқ дениздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, РАЖАБ, 10-КУН. ● ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, ЖАДИЙ, 28-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган — 1992 ЙИЛ 15 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА, 11-СОН • 262 • — НАРХИ ОБУНАЧИГА 15 ТИЙИН, СОТУВДА 35 ТИЙИН.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

АХБОРОТ

14 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг парламенти ўз ишини давом эттирди. Мажлисни Олий Кенгаш раиси Ш. М. Йўлдошев олиб борди.

Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комитетининг раиси Ҳ. М. Усмонова жисмоний тарбия ва спорт ҳақидаги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. Қисқа муҳокамадан сўнг қонун қабул қилинди.

Олий Кенгаш қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети раиси Э. Х. Халиловнинг маърузаси юзасидан республикадан ташқарига товар-моддий бойликларни ташиб кетиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо комитетининг раиси Ф. Н. Нажмитдинов корхоналар махсус рухсатномалар (лицензиялар) асосидагина шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган фаолият турлари тўғрисида ахборот берди.

Депутатлар мазкур масала жиддий ишлаб чиқилганидан сўнг, шу масала хусусида қарор қабул қилдилар.

Ташқи алоқалар комитети раиси П. Ҳабибуллаев ва миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият комитети раиси П. Қ. Қодиров хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш йўллари ҳақида парламент аъзоларига ахборот бериши.

Республика Президенти И. А. Каримов ўз нутқида хорижда яшаётган ватандошлар билан ҳар томонлама мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Мазкур масала юзасидан ҳам қарор қабул қилинди.

Олий Кенгаш Туркия Республикаси билан алоқалар ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича депутатлар гуруҳини тузди. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини хорижий мамлакатлар тан олиши, улар билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик муассасалари ҳамда ваколатхоналарида ишлаш учун номзодларга доир тавсияларни тайёрлаш билан боғлиқ масалаларни мукаммал ўрганиш мақсадида махсус парламент комиссияси ҳам тузилди.

Кечки мажлисда депутатлар республиканинг 1992 йил бюджетини шакллантириш асосий жиҳатларини ҳамда «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, чет эл фуқароларидан ҳамда фуқаролиги бўлмаган кишилардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги республика қонунларига ўзгартишлар киритиш масаласини кўриб чиқишга киришдилар. Молия вазири Э. Ж. Боқибоев маъруза қилди, иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув комитетининг раиси Э. Н. Хўжаев қўшимча маъруза қилди.

Муҳокамадан сўнг Олий Кенгаш қарор ва тегишли қонунларни қабул қилди.

Давлат нарх комитетининг раиси Қ. А. Аҳмедов республикада эркин нарх-навога ўтиш тадбирлари тўғрисида депутатларга ахборот берди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов мазкур масала юзасидан депутатлар ҳузурида нутқ сўзлади.

Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Х. Халилов Ўзбекистон Республикасида халқ депутатларини чақириб олиш тартиби ҳақидаги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди.

Қонун қабул қилинди.

Парламент С. Мирсафоевни республика прокурорининг ўринбосари этиб тасдиқлади, олий суд ва баъзи вилоят судлари таркибига ўзгаришлар киритди.

Бошқа баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Шу билан ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси ўз ишини тугатди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ НАЗОРАТИ КОМИТЕТИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ўзбекистон Республикасининг Давлат назорати комитети таъсис этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат назорати комитети республика бошқарув-ижроия ҳокимиятининг олий назорат идораси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Президенти раҳбарлигида иш олиб боради ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига ҳисоб беради.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати комитетининг раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан беш йил муддатга тайинланади ва Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши томонидан тасдиқланади. Айни бир шахснинг ўзи ушбу лавозимга қаторасига икки муддатдан кўпга тайинланиши мумкин эмас.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати идоралари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган қонунлар ва қарорларнинг, Президентнинг фармонлари ва фармойишларининг, хўжалик қонунларининг, ижтимоий ва иқтисодий дастурларнинг бажарилиши, давлат ва ижроия интизомига риоя этилиши юзасидан мансабдор шахсларнинг масъулиятини текширадилар.

Давлат назорати идораларининг фаолиятини ташкил этиш ва бу фаолиятни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлайдиган низомда белгилаб берилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ назорати комитети тугатилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Назорат палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 13 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)ГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий Қонуни)га қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. 9-моддадан «халқ назоратини кучайтириш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 46-модданинг иккинчи қисмидан «халқ назоратида» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 85-модда чиқариб ташлансин.

4. 102-моддада:

8-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг СССР Бош прокурори билан мувофиқлаштирилган тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикасининг прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси прокурорини ва унинг ўринбосарларини тайинлайди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати комитетини ташкил этади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ назорати комитетининг раисини сайлайди» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати комитетининг раисини тасдиқлайди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 107-модданинг биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ назорати комитети» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати комитети» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 116-модда биринчи қисмининг 5-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ назорати комитети» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати комитети» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 117-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари чиқариб ташлансин.

8. 1184-моддада:

6-банднинг биринчи хатбошиси «Ўринбосарлари» деган сўздан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати комитетининг раиси» деган сўзлар билан тўлдирилсин, шу банднинг иккинчи хатбошисидан «Ўзбекистон Республикаси Халқ назорати комитетининг раиси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

12-банд қуйидаги мазмунли 12- ва 13-бандлар билан алмаштирилсин:

«12) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати комитетининг фаолиятини йўналтириб туради;

13) қонун ҳужжатлари билан ўз тасарруфига бериб қўйилган бошқа масалаларни ҳал қилади».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 13 январь.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

✦ Булғория ўз ҳукуматининг қарори билан Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистонни мустақил давлатлар деб тан олди ҳамда улар билан дипломатия муносабатлари ўрнатишга тайёр эканини изҳор қилди. БТА агентлигининг хабар қилишича, шу қарор билан Грузия ва Озарбайжоннинг иустақиллиги ҳам эътироф этилди.

✦ **Душанба куни БМТ Хавфсизлик Кенгаши Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул этиш тўғрисидаги аризаларини норасмий тарзда кўриб чиқишга киришди. Хавфсизлик Кенгашининг январь ойидаги раиси Дэвид Хэнней (Буюк Британия) журналистларга маълум қилишича, шу тариқа тегишли расмий тартиб-қоида бошланди. Уч давлатнинг аризалари ва улар юборган вакилларнинг ваколатлари кўриб чиқилганидан кейин мазкур комитет ўз хулосаларини Хавфсизлик Кенгашига тақдим этади. Якунловчи босқичда Қозоғистон, Қирғизистон, ва Ўзбекистонни халқаро ҳамжамият аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги масала БМТ Бош Ассамблеяси сессиясининг кун тартибига киритилади.**

✦ Қозоғистон Олий Кенгаши янги эркин иқтисодий минтақаларни барпо этиш ҳақида қарор қабул қилди. Булар Шарқий Қозоғистон, Мангистов, Олакўл ва Жаркент вилоятларидир.

✦ **Бразилия маъмурлари янги сиёсий ташкилот — коммунистик партияни расман рўйхатга олдилар. Уни жаҳонга машҳур меъмор Оскар Нимейер ташкил этди. Шундай қилиб, мамлакатда учинчи компартия пайдо бўлди.**

✦ Ўтган куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги қуролли кучлари бош қўмондони авиация маршали Евгений Шапошников АҚШнинг собиқ бош котиби, таниқли сиёсатшунос ва дипломат Генри Киссинжерни унинг илтимосига кўра қабул қилди. Суҳбат чоғида Ҳамдўстликка кирган мамлакатлардаги сиёсий вазият, қуролли кучларни ҳарбий жиҳатдан қайта қуриш ва ислоҳ қилиш билан боғлиқ долзарб муаммолар қараб чиқилди.

✦ **Россия билан Украина муносабатлари атрофида саросимлик кайфиятлари ва асабийликни авж олдириш ўринсиздир, деди ТАСС мухбирига Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Андрей Козирев. У ўтган хафта охирида икки давлат экспертларининг Киевдаги учрашувида қатнашган эди.**

✦ Литва ҳукумати электр энергияси, иссиқлик энергияси, газ нархини яна оширди. Эндиликда истеъмолчилар ҳар киловатт-соат электр энергиясидан фойдаланганликлари учун 35 тийин тўлайдилар. Иссиқлик энергияси ва табиий газ нархи тўрт баравар ошди.

✦ **Гарчи Жорж Бушнинг обрў-эътибори ҳаддан ташқари паст даражага тушиб кетган бўлса ҳам кўпчилик американликлар унинг иккинчи муддатга АҚШ Президенти лавозимига қайта сайланишига умид боғламоқдалар. Жамоатчилик фикрини билиш мақсадида ўтказилган савол-жавобнинг натижалари шундан дарак беради. Якунлар кўрсатишича, американликларнинг 46 фоизи Бушнинг мамлакат Президенти вазифаларини уддалаётганидан мамнундир. Бир йил муқаддам унинг обрўйи энг юқори поғонага — 89 фоизга кўтарилган эди. Ички сиёсий муаммолар, аввало иқтисодиётнинг бир жойда депсиниб туриши Президентнинг энг заиф жиҳати бўлиб қолмоқда. Савол-жавобда қатнашганларнинг 49 фоизи Буш иккинчи тўрт йиллик муддатга АҚШ Президенти этиб қайта сайланса, арзийди, деган фикрни билдирди.**

✦ Филиппин Президенти Корасон Акино маҳаллий заминдорлар ва сиёсий арбоблар қарамоғидаги хусусий армияларни қонундан ташқари деб эълон қилди. У Филиппин миллий полицияси ва Ички ишлар вазирлиги раҳбарлари ҳузурида сўзлаган нутқида муайян сиёсий тўдаларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи қуролли тузилмалар мамлакатдаги барқарорлик ва ҳуқуқ-тартиботга хавф солаётганини таъкидлади.

✦ **Хорватияда ўт очишни сўзсиз тўхтатиш ҳақида 15-битим тузилганига ўн кун бўлди. Бу вақт республиканинг тинг районларида нисбатан осойишта ўтди. Марковци деган жойда Хорватия қуролли кучлари ва Югославия халқ армияси вакилларидан иборат комиссиянинг мажлиси бўлди. Мажлисда, деб хабар қилади ТАНЮГ ахборот бошқармаси, яраш шартларига риоя этилиши устидан назорат қилиш ва фуқаро аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.**

✦ Бундан буён Россия Оқ уйи бирдан-бир давлат муассаси — Олий Кенгашнинг маскани бўлиб қолади. Энди Президент девонлари Кремлда жойлашади, Президентнинг расмий қароргоҳи ҳам шу ерда бўлади, ҳукумат идоралари эса собиқ КПСС Марказий Комитетининг Эски майдондаги бинолари жамулжамига кўчиб ўтади.

✦ **Қуддусда совет мухожирининг оиласи ўлдирилди. «Ўзи автомат билан қуроллаган номаълум шахс бундан ўн саккиз ой муқаддам СССРдан бу ерга келган Виктор Линскийнинг уй қўнғироғини босди. Эшикни очишлари биланоқ у автоматни ишга солди. Аввалига оила бошлиғи, кейин эса хотини ва 21 яшар қизи Ирина қуладилар. Пировардида номаълум шахс ўзини ўзи ўлдирди.**

(ТАСС ва марказий рўзномаларнинг материаллари асосида тайёрланди).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Сайловдаги зўр ғалабангиз билан ва Сиз Ўзбекистон Жумҳуриятининг Президенти этиб сайланганингиз билан, шунингдек жумҳуриятингиз мустақил деб эълон қилиниши билан сидқидилдан табриклайман.

Сизга ва ўзбек халқига демократиялаш жараёнини ривожлантиришда ва бозор иқтисодиётига ўтишда муваффақият тилаш билан бирга мамлакатларимиз ўртасида дунёдаги янги воқеликка монанд самарали ва тенг ҳуқуқли муносабатларни ривожлантира олишимизга ишонамиз.

Болгария Республикасининг Президенти доктор Желю ЖЕЛЕВ.

* * *

Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимини ижро эта бошлаганингиз муносабати билан самимий табрикларимни қабул этгайсиз. Сизнинг Президент этиб сайланишингиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги қардошларча алоқалар ва ўзаро манфаатли ҳар томонлама ҳамкорликка янги омил бахш этишига ишончим комил.

Сизга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, муваффақият, қардош Ўзбекистон халқларига эсон-омонлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан:
Украина Олий Кенгашининг раиси
И. ПЛЮШЧ.

Тирикчилик чорраҳаларида

БЕНЗИН НАРХИ ОШДИ, ЭНДИ СЕРОБ БЎЛАДИМИ?

Сергалва кунларимизда бензин ҳам аниқнинг уруғидек бўлиб қолди. Автомобиль эгалари, ҳайдовчиларнинг ташвиши битта: қандай қилиб бензин топиш мумкин!! Аслида нархи осмонда бўлган машина ёнилғисиз сариқ чақага ҳам арзимайдиган темирдан, ортиқча матоҳдан фарқи йўқлиги кўпларга яна бир карра аён бўлди.

Бошқа эҳтиёж маҳсулотлари каби бензин нархи оширилиши ҳақидаги хабарни на фақат шахсий машина эгалари, балки автомобиль корхоналари раҳбарлари ҳам ташвишланиб кутиб олдилар. Етишмовчиликдан безиб қолган одамлар энди буёғига нима бўларкин, деб таҳририятимизга кўплаб саволлар билан мурожаат қилмоқдалар.

Шу мақсадда Ўзбекистон нефть маҳсулотлари таъминоти давлат комитети раиси Ё. Т. МУМИНОВ билан суҳбатлашдик.

— Ёқуб Турғунович, бензин ҳам зарур эҳтиёж моллари каби аҳамиятли бўлиб қолган. Наҳотки, ёқилғи нархини оширмасликнинг иложи йўқ эди.

— Дарҳақиқат, нефть маҳсулотларининг халқ хўжалигида тутган ўрни беқиёс. Шуни ҳисобга олган ҳолда республикамиз ҳукумати иложи борича эски нархларни ушлаб туришга ҳаракат қилди. Ёнилғи-мойлаш маҳсулотларининг нархи ошиши халқ хўжалигининг барча тармоқларида нархнинг кўтарилишига олиб келиши ўз-ўзидан маълум. Авваламбор ёнилғи нархи ошганлигининг асосий сабаби барча соҳада бўлгани каби бу тармоқда ҳам иқтисодий алоқаларнинг бутунлай издан чиққанлигидир. Қозоғистон ва Россиядан бензин мўлжалланган миқдордан кам келмоқда. Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш заводидан чиқаётган бензин миқдорига бу корхонага келаётган хом ашё, яъни нефтнинг камлиги салбий таъсир қилмоқда.

Биз аҳволни ўнглаш, юз бераётган қийинчиликнинг олдини олиш мақсадида уч ойдан бери турли ташкилотлардан, маҳсулот чиқарувчи корхоналардан оширилган нархда бензин сотиб олиб, республикамиз халқ хўжалигига, аҳолига илгариги нархда сотаётган эдик. Энди бундай ишлаб бўлмайди. Амалдаги йилда темирйўл харажатлари 8,3 баравар оширилиши кутилмоқда. Устига устак нефть конларининг қувватини ушлаб туриш учун катта миқдорда харажатлар қилишга тўғри келмоқда. Буларнинг ҳаммаси ёнилғи таннархини ошириб юборади.

— Нарх-наво оширилиши ҳақидаги қарордан маълум бўлишича, бензин бундан буён уч хил нархда сотилиши мумкин экан. Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

— Илгари давлат автомашиналарига бензин ярим баҳосида патталар билан берилар, шу йўл билан ташкилотлар ҳаражатларининг маълум қисми қопланарди. Бундан ташқари шахсий автомашина эгаларига бензин бозор нархида сотиларди. Энди буёғига тижорат шаҳобчалари орқали ҳам бензин тарқатилади. Қарорда таъкидланганидек, бу ёнилғини сотишдан тушган даромаднинг 90 фоизи давлатга, 10 фоизи бизнинг ихтиёримизга ўтади. Шуниси ҳам борки, тижорат шохобчалари орқали бозор жамғармасидаги бензиннинг 40 фоизи сотилади. Айни пайтда тижорат шахобчалари орқали А—76 бензини 3,5 сўмдан, А—93 бензин 4 сўмдан сотилмоқда. Нархлар билан махсус комиссия шуғулланяпти. Биз ўз таклифларимизни, мулоҳазаларни билдирганмиз. Албатта, ҳаммаси ҳисобга олиниб, одил қарор қабул қилинишига ишонамиз. Тижорат шохобчаларида нарх-наво вазнятга қараб ўзгариб туради, нархни давлат комиссияси белгилаб боради.

Шу ўринда нархлар ўртасидаги фарқ турли хил суиистеъмолчиликларни, ўғирликни авж олдириб юбормайдими, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Биз қонунбузарликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан аёвсиз кураш олиб борамиз. Бу ишда ҳуқуқни муҳофазалаш ташкилотларининг амалий ёрдами ва кўмагига муҳтожмиз. Аммо ўзимиз ҳам бу маъсулиятли ишга пухта тайёргарлик кўрдик. Одамларимиз, тажрибали мутахассисларнинг ҳаммаси вилоятларга чиқиб кетишган. Тижорат нархида ёнилғи сотиш мўлжалланган шохобчалар қайта тафтишдан ўтказилиб, ҳисоблаш, жамлаш ускуналари қўшимча равишда тамғаланди. Ҳар бирининг ишлаши қайта-қайта текширилмоқда, катта тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Биз тижорат шохобчаларида мижозларнинг озгина бўлса-да норози бўлишларига, жойларда қўполлик ёки суиистеъмолчилик ҳолларига йўл қўймаймиз.

— Булар кундалик ишларимиз, аммо одамларни биз қачонгача ёнилғи масаласида бошқа республикаларга қарам бўлиб қолаверамиз, деган муаммо ўйлантирмоқда. Республиканинг ички имкониятлари қандай?

— Фарғона нефтни қайта ишлаш ишлаб чиқариш бирлашмаси жуда йирик, катта қувватли корхоналардан ҳисобланади. У республикамизнинг бензинга бўлган эҳтиёжининг 50 фоизини қоплаши мумкин. Аммо корхонага хом ашё — нефть асосан четдан келади. Таъминотчилар нефтни хоҳлашса юборишаяпти, хоҳлашмаса йўқ. Ўзаро тенглик, ўзаро манфаатдорлик асосида алоқалар йўлга қўйилмас экан, шундай бўлаверади.

Ишонамизки, фойдали қазилмаларга бой республикамизда ҳам нефть бор. Бунинг учун қидирув-текшириш ишларини авж олдириш, замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланиш керак.

Булар ҳаммаси келгусидаги ишлар. Аммо бир масала бизни ҳамиша ҳушёрликка ундайди. Ёнилғи шундай етишмаётган бир пайтда ҳали ҳам ундан фойдаланишда ортиқча исрофгарчилик ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги ҳеч кечириб бўлмайди. Нефть маҳсулотларидан нотўғри фойдаланилаётганлиги ҳақида ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Биздаги маълумотларга кўра, бу борадаги хўжасизлик, исрофгарчилик ҳолатларига чек қўйиш ҳисобига республикамиз халқ хўжалиги эҳтиёжининг 15—20 фоизини қондириш мумкин экан. Ҳозир электр энергиясини ортиқча сарфлаганларга ўн баравар миқдорда жарима солинади, лекин ёнилғини ортиқча ишлатгаиларга жазо чораларини қўллаш кўзда тутилмаган.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш лозим: нефть маҳсулотларини бой қўшни давлатлар, араб мамлакатлари, Туркиядан олсак, бўлмайдими, деган муаммо кўндаланг турибди. Авваламбор улар билан бевосита темир йўл орқали алоқаларимиз йўқ. Туркманистон орқали темир йўл қурилсагина бундай алоқаларни йўлга қўйиш мумкин бўлади.

— Бензин нархи ошгандан сўнг ранс сифатида сифатга жавоб бера оласизми?

— Биз маҳсулот сифати учун тўла-тўкис жавобгармиз. Ҳеч вақт буни ўзимиздан соқит қилмаганмиз ва қилмаймиз ҳам. Бу борада катта ишлар қилинаяпти. Ўтган йили ҳар бир вилоятда марказий лаборатория ишга тушди. Сифат бузилишининг сабаблари атрофлича ўрганилиб таҳлил қилиб борилаяпти. Айбдорларни қаттиқ жазолаяпмиз. Маҳсулот сифати жуда кўп омилларга боғлиқ. Вагонда келишидан тортиб ташкилот ва корхоналарга етказиб берилгунга қадар барча жараёнлар бекаму кўст бажарилиши керак. Аслида шу ўринда жуда кўп қоидабузарлик ҳоллари содир бўлади. Шунингдек, ўтган йили рўй берган танқислик оқибатида бир қанча вазирликлар ўзаро мол алмашиш асосида нефтни қайта ишловчи заводлардан катта миқдорда хом бензин олишди. Қаттиқ таъқиқланишига қарамасдан, улар бу бензиннинг сифат кўрсаткичларини тикламасдан ишлатиб юборишди. Оқибатда бу ишлардан хабарсиз ҳайдовчилар, корхоналар раҳбарлари бизга эътироз билдиришмоқда. Қатор вазирликларда маҳсулот сифатини аниқлайдиган махсус лабораториялар йўқ. Текширмасдан туриб бемалол ишлатиб юборишаверади. Биз бу борада уларга малакали ёрдам беришга тайёрмиз.

— Ёқуб Турғунович, шундай қилиб бензин сероб бўладими?

— Нархи ошгандан сўнг бензин сероб бўлишига ваъда бераман. Бу албатта қуруқ ваъда эмас. Биз маҳсулот етказиб берувчи бир қанча ташкилотлар билан 1992 йил учун катта шартномалар туздик. Маҳсулот етказиб бериш имкониятларини яна бир маротаба аниқлаштириб олдик. Шунингдек қиммат бўлсада биржалардан ҳам ёнилғи сотиб олаяпмиз. Хуллас, бу борадаги барча имкониятларни ишга солаяпмиз. Ахир, республикамизни етарли миқдорда ёнилғи билан таъминлашга даъват этилганмиз-ку.

Суҳбатни С. САЛИМОВ олиб борди.

ТАҲРИРИЯТДАН: Комитет раисининг ишончи, кўтаринки сўзларини эшитиш жуда ёқимли. Аммо нарх-наво кунига ўзгариб турган, ҳозирги беқарор кунларда бунга кафолат бериш қийин. Биз ҳам бу яхши ниятнинг ижобат бўлишини жуда-жуда истардик.

ГЎШТ ҲАМ, СУТ ҲАМ

ГУРЛАНДАГИ «Гулистон» давлат хўжалигида яшовчи фермер Турсунбой Дўсимовнинг қарздан тўла қутилиши учун атиги икки йил кифоя қилди. Эндиликда унинг тасарруфида ўн саккизта новвос, ўн иккита соғин сигир, 10 гектар ер ва кичик ферма бор. Ферма қуришга давлат хўжалиги кассасидан 30 минг сўм сарфланган эди.

Ўтган йили юксак натижаларга эришилди. Давлатга 25 тонна серқаймоқ сут, 3 тоннадан кўпроқ мол гўшти топширилди. Маҳсулотнинг ҳаммаси ўртача нархда сотилди. Бундан ташқари ноҳия бўрдоқичилик базасидан семиртириш учун яна 10 та новвос ҳам олинди.

Ем-хашак етиштирадиган яйловлардан самарали фойдаланиш ютуққа асос бўлди. Фермер бедани беш марта, оқжўхорини икки марта ўриб олди. Табиий озуқаларнинг бир қисмини шартномага мувофиқ аралаш озуқага алмаштирди, бу эса моллар емишини хилма-хил қилди.

— Энг муҳими, — дейди Дўсимов, — ўз ишига меҳр қўйиш, меҳнатнинг охирги натижаларидан манфаатдорликдир. Бизнинг кўп болали оиламизда чорвадорлар етарли. Бизнинг ўз чўпонимиз ва механизаторимиз, сут соғувчи ва ҳатто зоотехникимиз бор. Илгари кўпчилигимиз давлат хўжалигининг сут-товар фермасида ишлардик. Демак, тажрибани бировдан ўрганиб ўтирмаймиз.

Ҳозир Гурлан ноҳияси жамоат ва давлат хўжаликларида 21 та фермер хўжалиги мавжуд. Уларда 400 бошдан кўпроқ қорамол боқилмоқда. 158 гектар ер фермерлар ихтиёрида. Бу хўжаликлар ўтган йилдагина 160 тонна сут билан 24 тонна гўшт топширдилар.

(ЎзТАГ).

Халқ депутати: қўлда қалам, дилда алам

АФҒОН ЖАРОҲАТИГА МАЛҲАМ БОРМИ?

Қадим-қадимдан «одам одамнинг тафтини олади» деган нақл яшайди. Бунда мангуликка муҳрланган ҳақиқат бор. Шу боис ҳам, азиз муштарий, ўзимни анчадан буён қийнаётган, ташвишга солиб келаётган мулоҳазаларимни, таклифларимни Сизнинг ҳукмингизга ҳавола этмоқчиман. Президентимиз Ислом Абдуғаневич Каримовнинг 1991 йил 7 май куни эълон қилинган «Ғалабанинг 45 йиллиги муносабати билан уруш ветеранлари, байналмилалчи жангчиларнинг ижтимоий ҳаётини яхшилаш тўғрисида»ги фармони ила бу мулоҳаза ва таклифларим муштаракдир.

Зеро, бизнинг ким эканлигимиз, ўзимиз яшаб турган ижтимоий муҳитнинг қайси маънавий чўққисидаги фарзандлигимиз силсилаю дабдабаларимиз, хуллас — ҳаммаси жамият келажаги деган буюк ишончда жон олиб жон берган ота-боболаримизга, қеча қадамидан ўт чақнаб турган, бугун шифтгагина термулиб ётган, афғон тўпроғида энг эзгу армонларини, ёруғ хаёлларини, орзу-истакларини қолдириб келишган тенгдошларимиз руҳига бўлган муносабатларимизда аён кўринади.

Мен ҳам республикамизнинг турли бурчакларида тинч-тотув яшашга чоғланган, аммо бир вақтлар Афғонистон тўпроғида қон кечган, қон берган собиқ жангчиман. Уша эл тупроғида ҳатто жигаримиздан ҳам яқинлашиб қолган дўстларимизнинг бурда-бурда бўлиб кетган жасадларини ўз қўлларимиз билан териб темир тобутларга жойлаганмиз.

Шундай дамларда тириклик ва ўлим орасида яшаган «аросат» бандаларининг бири бўлганмиз. Бугун эса ул томонлардан қандай омон қайтганлигимизга ҳайрону ҳайратда яшаб юрибмиз.

Ҳа, шундай бўлган. Бир марта, икки марта эмас, юзлаб маротаба ана шунақа даҳшатли манзаралар такрорланган. Уша кўргуликларни яна бир бор эслаш энг оғир азобдир. Лекин менга ишонч билдириб депутатлик ваколатини берган халқим, қуролдош дўстларим номидан рост ва ҳақиқат гапларни айтмаслик мен учун виноятдир.

Жумҳуриятимизда Афғонистоннинг қонли жафоларини бошидан кечирган 62 минг 127 нафар собиқ жангчилар бор. Улардан 1219 киши қўлидан, оёғидан яраланган ёки ёруғ оламни кўришдан маҳрум, умуман мажруҳлардир, 1511 йигитни эса она тупроқ темир тобутларда ўз қучоғига олди.

Биз Афғонистоннинг ички ишларига аралашиб, бу ҳаракати орқали мудҳиш жиноятга йўл қўйган ҳукуматга афкор оммaнинг муносабати қандай эканлигини яхши биламиз: бу ҳол тарих саҳифаларида ўчирилмас қора доғ бўлиб қолганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Лекин бу юртда жон олиб жон берган йигитларимизга бўлган муносабатларимизни бугун, ойдинлаштириб олишимиз керак. Чунки биз кўпинча «сизлар нотўғри урушган экансизлар» қабилидаги маломатларга дуч келмоқдамиз, бу дашномга дош беришга мажбур бўлмоқдамиз.

Азиз замондошларим! Сизларга беш панжадек аёнки, ҳар қандай кичкина жанжални ҳам ундан фойда кўришни кўзлаган разил шахслар бошлайдилар. Катталар урушлар оловини бу урушлардан чўнтагини қалпайтирмоқ ниятидаги амалдорлар қўзғаб беришади, жанг майдонларида эса халқнинг энг жасур, азамат, асл фарзандлари қон тўкишди.

Ҳарбий хизматга чақирилиб Афғонистон тупроғига кириб борганимизда жафокаш афғон халқига хавф остида қолган савр инқилобини ҳимоя қилиш учун дўстларча ёрдам кўрсатиши, ўзимизнинг жанубий чегарамизда Америка ҳарбий базалари қурилишига йўл қўймаслик ва қолаверса байналмилал, фуқаролик бурчимизни бажариш учун шундай қилинганини ҳар куни бизларга ўқтиришарди.

Биз ҳақиқатан ҳам бунга ишонардик. (балки ўша пайтда шундай хавф бўлгандир, бизга айтишларича агар бизнинг армия тўрт соат кеч қолганида Америка десантлари (Афғонистонни эгаллаб олар экан). Шунга асосан биз халқимизнинг юзини ерга қаратмаслик, оталаримиз тинч меҳнат қилиб, оналаримиз фарзандларига алла айтиб бехавотир ухлашларини таъминлаш мақсадида йигитлик бурчимизни аъло даражада бажаришни ўйлардик.

Учинчидан, биз ҳарбий қасамёдни қабул қилган оддий аскар сифатида буйруқни бажарардик, уставда командир доимо ҳақ эканлиги, буйруқни муҳокама қилиш эмас, сўзсиз бажариш зарурлиги жанговар қолатларда унинг буйруғидан бўйин тоблаш (жангга кирмаслик, душманга ёки сенга ўхшаган инсонга қарата ўқ отмаслик) олий жазо билан жазоланиши таъкидланганди.

Тўртинчидан, у ерда қаттиқ қонун ҳукм сурарди — ё сен ёки сени... Бир лаҳза кеч қолсанг, сени темир тобутда ватанга жўнатишади. Ҳамма ҳам ота-онаси олдига, юртига эсон-омон кириб боришни хоҳларди, ҳаётни севарди.

Инсон ваҳший бўлиб туғилмас, балки қон ни, ёвузликларни— ўз дўстларининг, она сути оғзидан кетмаган гўдакларнинг, бегуноҳ қарияларнинг тилка-пора бўлган жасадларини кўраверiб ваҳшийлашиб боравергн экан.

Душман қўлига тушиб қолган, қийнаб ўлдирилган йигитларимизнинг жасадларини кўриб, командирлар таъкидламасалар ҳам ҳар бир аскар чўнтагида ўзига атаган бирорта ўқ ёки граната юрарди, бунинг боиси— магазиндаги ўқларни олишув пайтида, қизғида охиригача отиб тугатиб қўйиш мумкин.

Асир тушишдан эса ўлим афзал эди.

Бу урушда асир тушган юртдошларимиз, имоним комил-ки, ўз иродалари билан душман ихтиёрига ўтишмаган. Кимдир қуршовда қолган, кимдир хушидан кетган пайтда, кимдир оғир ярадор бўлиб қўлга тушиб қолган. Бизнинг жамиятимизда эса асир тушганларни ватан хоини, сотқин сифатида кўрсатиб, буни онгимизга сингдириб келишган ва Улуғ Ватан уруши тарихидан биз биламизки асирдан қайтганлар яна 15-20 йиллаб умрларини қамоқда ўтказишган.

Менимча, мана шуларни ақлан тушунган ҳолда асирликда юрган, ҳозир бошқа давлатларда яшаётган ёки мужоҳидлар қўлида бўлган юртдошларимиз она ватанга қайтишдан қўрқишаяпти.

Қани энди уларга менинг овозим етсаю айтсам: «азизларим, киндик қонингиз тўкилган диёрингизга қайтингиз. Сизларни ота-оналарингиз, қариндош-уруғларингиз интизорлик билан кутишмоқда. Сиз ўйлаган хавфли пайтлар ўтиб кетди. Ватанга қайтгач бошингизга хавф соя солса сизларни ҳимоя қиладиган мустақил халқингиз бор. Ватан сизларни қучоқ очиб кутиб олади».

Республикамиз миллий ҳавфсизлик хизмати асирларни қутқариш борасида изланаяпти ва ҳаракат қилаяпти. Чунки бу иш ғоят мураккаб. Бир асирни мужоҳидлар қўлидан олиб чиқиш учун аввал унинг аниқ исмию отасининг номини аниқлаб олиш керак, негаки у ерда улар ўз исмларини ўзгартириб юрадилар. Кейин у она юртига қайтишни истайдими, йўқми буни билиш зарурки, бу ҳам жуда муҳимдир.

Сўнгра у ерда бизнинг миллий хавфсизлик хизматимиз вакиллари қил устида бажариладиган талайгина ишлар қилишлари керак, озгина эҳтиётсизлик ҳаммасини барбод этиши мумкин. Ана шу мушкул вазифани рўёбга чиқаришда миллий хавфсизлик ходимлари ўз ҳаётларини гаровга қўйиб хизмат кўрсатишмоқда.

Бу масала республика Олий Кенгашида кўриб чиқилиб мустақил парламент комиссияси тузишимиз, унинг мақомини қонуний равишда аниқлаб беришимиз, банкда алоҳида ҳисоб очиб керакли маблағни ажратишимиз, ўз бурчларини амалга оширишни, яъни Афғонистон жангларида асир тушган ватандошларимизни она юрт қучоғига қайтариш учун уларга қўлдан келган ёрдамни беришимиз зарур. Бу комиссия чет давлатларда ҳарбий асирлардан биронбир киши қолмагунча фаолиятини давом эттириши керак.

Ўн йиллик афғон урушига палид инсонларнинг хоҳиш-иродаси билан юборилиб асирликка тушиб қолган гулдай фарзандларни қайтариб олишга кўмаклашиш сизлардай улуғ халқнинг қўлидан келади, сиз бунга қодирсиз, мен бунга аминман.

Энди мустақил давлат раҳбари сифатида Президентимиз томонидан ҳарбий асирликда ўз ватани тупроғининг бир сиқимини кўзига тўтиё қилиб суртишга илҳақ фарзандларингизни авф этиш ҳақида алоҳида фармон чиқарилиши бугунги куннинг кечиктириб бўлмас иши, деб ҳисоблайман.

Ҳали жароҳатлари тафти пасаймаган афғон урушида бирингизнинг болангиз, бирингизнинг укангиз, қай бирингизнинг эса қариндош-уруғингиз азоб-уқубат тортишди. Шундай экан, ҳар бирингиз менга ҳамдардсиз. Аммо кейинги йилларда жафокашлар эътиборидан четда қолаётган бугунги ёшларнинг ватанпарварлик ҳисларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мустақил давлатимизга эса ҳали асл фарзандлар, мардлар, жасурлар жуда зарур.

Шу ўринда турк шоирларидан бирининг уч мисра шеърини эсладим:

Кимлар ўлди,
Кимлар нутқ сўзлади
Шу ватан учун.

Бугун эса ватан учун нутқ сўзлаганлар иззатда-ю, ўлганлар қарийб унут бўлдики, бу кечирилмас ҳолдир.

1991 йилнинг май ойида М. С. Горбачев махсус фармон чиқариб В. С. Павловга «Байналмилал жангчиларнинг ижтимоий ҳаётини яхшилаш ҳақида давлат дастури»ни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни топширган эди. Биз бу хушхабарни эшитиб беҳад севинган эдик. Лекин қувончимиз узоққа чўзилмади. Программа Павлов билан биргаликда қамоқхона остонасидан кириб кетди.

Энди мустақил давлат сифатида бундай дастурни ўзимиз ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз шарт. Афғонистонда ҳалок бўлган биродарларимизнинг хотирасини абадийлаштириш йўлида жиддий тадбирлар кўриш лозим.

Бугун жумҳуриятимизнинг турли жойларида шаҳид кетган фарзандларингизга ёдгорликлар ўрнатмоқдасиз. Аммо у обидалар қўйилиши биланоқ қаровсиз қолмоқда. Шу сабабли пойтахтимизнинг марказий районларидан бирига марҳум жангчилар руҳига бағишлаб комплекс ёдгорлик қўйилишини таклиф қиламан. Бу хайрли ишга бош-қош бўлиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Ҳали йиллар ўтади, авлодларимиз уруш бўлмаслиги учун ҳам Афғонистон фожиасини бод-бод эслаб туришади.

Мен яқинда Абдурашид Нормуродовнинг ўн йиллик афғон урушида қатнашиб, майиб-мажруҳ бўлиб қайтган йигитларнинг хотираси асосида дунёга келган «Қонли йўргаклар» китобини ўқиб чиқдим. Уни ўқиганнингизда бутун Афғонистон даҳшати кўз олдингизда намоён бўлиб, бу урушни бошлаганларга лаънатлар ўқийсиз.

Китобни ўқигандан сўнг мен муаллиф ҳақида сўраб-суриштирдим. Маълум бўлишича, уни ёзиш учун Абдурашид Нормуродов ҳамма ишларни йиғиштириб қўйиб уч йил мобайнида Узоқ Шарқдан то Болтиқ бўйигача бўлган оралиқдаги жафокашларнинг Афғонистон тупроғидан мажруҳ бўлиб қайтган юзлаб йигитларнинг хотиралари асосида чўнтагидаги сўнгги тийинларини ҳам сарфлаб китобни дунёга келтирган экан. Собиқ Президентимиз М. С. Горбачевнинг миллионлаб нусхада чоп этилган китоблари бугунги кунда саҳифалари очилмасдан қайтарилмоқда. Таассуфлар бўлсинки, юзлаб ногирон аскарларнинг фарёди битилган бу асар «Ўзбекистон» нашриётида атиги етти минг нусхада босилибди. Аслида унинг қаҳрамонлари эса ўз конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишга ҳам ожизлардир.

Ногирон фарзандларингиз жумҳуриятимиздаги протез заводини яхши билишади. Аммо бу корхонада тайёрланаётган сунъий оёқларнинг оғирлиги икки ярим-уч килограмм атрофида. Бунисини қўя турайлигу мазкур протезлар ногирон оёқларга тўғри келмасдан, уларга азоб бериб, кўп нохушликларни келтириб чиқармоқда. Шу сабабдан йиғитларимиз чет давлатларга жўнатилиб, енгил ва қулай протез оёқлр қўйдириб келишмоқда. Аммо булар арзонга тушаётгани йўқ — биттасига камида еттисаккиз минг доллар сарфланмоқда. Қаранг-ки хорижникидан унча фарқ қилмайдиган оғирлиги 700 грамм келадиган протезларни бугунги кунда самарқандлик Фёдор Романовский жуда қийин шароитда ясамоқда. Баҳоси эса атиги 400 сўм. Тасаввур қилиб кўринг, 400 сўм қаёқда-ю 8.000 доллар қаёқда!

Федянинг ногиронлар учун қулай, енгил, сифатли протез тайёрлаши боиси шундаки, унинг ўзи ҳам иккала оёғидан жудо бўлиш азобини тотиб кўрганлардан. Протез тайёрлашни эса Ленинград протез заводида икки йил тўшакда ётганда ўрганди. Ўзига ўхшаган мажруҳларни қайтадан оёққа турғазиб, энди биринчи-иккинчи қадамни ташлаётганда ёш боладек кўзлардан оққан севинч ёшларини бир тасаввур қилинг-а. Шу ҳолатда у кичик цех очди, «афғон»лардан ўзига ёрдамчи олди. Ҳозир республика «Афғонистон фахрийлари иттифоқи» билан ҳамкорликда ишламоқда. Муҳтожлардан ариза тушдими протезни узоғи билан икки ҳафтада битириб беради. Яна шуниси борки мабодо ногирон юролмаса, Федор ўзига берилган «Запорож»ига дастгоҳларни юклаб мижознинг уйига боради, ўша ерда буюртма олиб, тайёр протезни келтирадида, ногиронни юришга ўргатиб, сўнгра юртига қайтади.

Хўш, Федор Романовский қандай шароитда ишламоқда, хом ашёни қаердан, қандай қилиб топмоқда — бу билан биров қизиқмоқдами? Афсуски, йўқ. Наҳотки ана шундай фидойи одамларга керакли шароит яратиб бериш, асбоб-ускуна, бино, пул, керак бўлса валюта билан таъминлаш қўлимиздан келмаса?

«Мен ҳам афғонга бориб хизмат қилиб келсам бўларкан, сизларга шунча «льгота»лар бериб қўйишибди-ю, фойдаланмайсизлар, агар сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда ундай қилиб юборардим, бундай қилиб юборардим» деган гаплар баъзан қулоққа чалинади...

Ҳақиқий жангоҳларда бўлган йигитларга бу имтиёзларнинг ҳеч кераги йўқ. Улар она юртга эсон-омон қайтиб келишганига шукур қилишади. Қолаверса, қандай «льгота»лар борлигини ҳам билишмайди. Бу бечоралар ўзларига яратиб берилган имтёзларни билишсин деган мақсадда республика «Афғонистон фахрийлари иттифоқи» жамоат ташкилоти ходимлари минг бир эшикка бош суқиб «Байналмилал жангчи ҳуқуқлари» номли китобни нашриётда хайрия тарзида чоп эттирди. Уни жойларга етказишни «Союзпечать»дан сўрашган экан, 25 фоиз фойдани бизга берсаларинг сизлар билан гаплашамиз дея жавоб қилишибди. Бундай шахслар ҳалок бўлган, майиб-мажруҳ қайтган минглаб йигитларнинг оталари ва оналари лаънатига учрашлари муқаррар.

«Афғонистон фахрийлари иттифоқи» бугунги кунда ғоят катта қийинчиликлар эвазига оёққа турди ва тетапоялигиданоқ, яъни 1991 йилнинг ўзида Тошкент шаҳарида истиқомат қилаётган ногиронларни, ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларини ўз ҳисобидан газета ва журналларга обуна қилишди. Ҳамда уларга етмиш минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

«Афғонистон фахрийлари иттифоқи» каби байналмилал жангчиларнинг жамоат ташкилотлари ва корхоналари давлатнинг ҳар қандай солиқларидан озод қилиниши керак. Чунки давлат ҳисобига ўтаётган солиқлар сизларнинг ногирон фарзандларингизга тўғридан тўғри ёрдам пули сифатида ўтгани афзал эмасми?

Ушбу жамоат ташкилоти ўтган йили хитойлик тиббиёт ходимлари билан шартнома тузишди. Ву асосда олий малакали ўн нафар хитой табиби ўз асбоб-ускуналари, дори-дармонлари билан бир йил муддатга халқимизни чин халқ табобати усуллари билан даволашга шайланиб, 1991 йил март ойидан иш бошлаши керак эди. Аммо бу эзгу ниятлар ҳалигача амалга ошгани йўқ. Миллионлаб тонна пахта етштирувчи Ўзбекистондан ўз эли саломатлигини тиклаш учун атиги минг тонна пахта топилмади...

Юқоридаги фикрларимиздан келиб чиқиб мен жумҳурият Вазирлар маҳкамасида байналмилал жангчилар билан шуғулланувчи алоҳида комитет тузилишини таклиф қиламанки, у Афғонистонда рўй берган воқеаларни бирма-бир ўрганиш билан бирга жумҳуриятимиздаги 63 мингга яқин катта кучни бир ерга бирлаштирмоғи ва уларнинг олдидаги тўсиқларини бартараф қилиш йўлида фаол ишламоғи лозим.

Мустақил республика фуқароларининг ватанпарварлик туйғулари, жасур фарзандларини эъзозлаш ҳисси бу савобли ишни алоҳида талаб қилади. Бундай комитет тузилиши лозимлигини собиқ бир жангчи сифатида ўз сафдошларим номидан ҳам талаб қиламан. Биз, фарзандларингиз эса озод Ўзбекистоннинг ҳар қандай юмушини елкамизга олишга шай турибмиз.

Минг бир азобни бошидан кечирган собиқ жангчиларнинг қўлидан фақат яхшилик, эзгулик келади!

Камолиддин ҚАМБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Давлат ва жамоат ҳавфсизлиги, мудофаа ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш комитет аъзоси.

СИФАТ БИРИНЧИ ЎРИНДА

ЭНДИЛИКДА Сирдарё гуруч заводидан иккинчи нав маҳсулот чиқмаяпти, учинчи навни эса умуман унутишди. Мана шунинг учун бу ердаги йиллик фойда режадаги 600 минг ўрнига 1,5 миллион сўмга ташкил этди. Сифат учун кураш иқтисодий муваффақият билан тугади.

Бу кураш ҳамма участкаларда олиб борилди. Барча мутахассислар, лаборатория ходимлари технология жараёнлари устидан назоратни кучайтирдилар, жуда кўп соҳаларни такомиллаштирдилар.

Одамлар тўғрисида ғамхўрлик охирги ўринга қўйилгани йўқ. Иш ҳақи анча ошди, заводда ҳеч ким 500 сўмдан кам маош олмайди. 8 квартирали уйни фойдаланишга топширишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу уй топширилгач, корхонада уй-жой муаммоси бўлмайди. Баҳорга бориб юз ўринли янги типовой болалар боғчаси очилади. Ёрдамчи хўжалик ривожланмоқда, у ерда 35 бош қорамол боқилмоқда. Бинобарин, янги сўғилган сут тўппа-тўғри иш жойига олиб борилади. Баҳорга бориб юз ўринли янги типовой болалар боғчаси очилади. Ёрдамчи хўжалик ривожланмоқда, у ерда 35 бош қорамол боқилмоқда. Бинобарин, янги сўғилган сут тўппа-тўғри иш жойига олиб борилади.

УН ЕТАРЛИ

СИРДАРЁ вилояти ҳар йили республикамизнинг бошқа областларига камида уч минг тонна ун жўнатади. Яқиндагина айни шунча миқдордаги ун вилоятга бошқа минтақалардан олиб келинар эди. Оқолтин ун комбинати тўла қувват билан ишлаб, муҳим маҳсулот билан етарлича таъминлай бошлади. Шу боисдан сирдарёликларни бу қийин қишдан бемалол чиқиб олинади, деб ишонтиришди. Ун билан нон етарлича бўлади.

Табиийки, нонга талаб ошди, аммо бунга яхши тайёргарлик кўришган эди. Эндиликда, масалан, Гулистон нон заводи ҳар кеча-кундузда 30 тонна нон ёпмоқда, яъни унинг қувати икки баравардан зиёд оширилди. Янгиер нон заводида ҳам ишлаб чиқаришни ана шунча ошириш таъминланди.

Украина ва Ўзбекистон ҳамкорлиги

КИМ НИМАНИ ТАНЛАЙДИ?

Мустақил Россия, Украина ва Беларусь республикалари имзолаган «Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги» битими сиёсий оқим йўналишини кескин ўзгартириб юборди.

Украина тутаётган йўлнга сиёсатчилар диққатини тортмоқда? Ана шу ҳақда имкон қадар фикр юритмоқчимиз?

Украина Республикаси ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақиллик ҳақида қонун қабул қилган. Республика примьер-министри В. Фокиннинг таъкидлашича, иқтисодий қарамликни тўла синдириш учун Украинага 3—5 йил керак бўларкан. Чунки собиқ иттифоқда қазиб чиқарилаётган метал ҳамда қазилмаларнинг ярми, тошкўмирнинг учдан бири, дон маҳсулотларининг бешдан бири, қанд лавлагисининг учдан иккиси, сабзавот ва меванинг учдан бир қисми Украина ҳиссасига тўғри келар экан.

Ўзбекистон эса гарчи аҳоли сони жиҳатидан Россия ва Украинадан кейинги ўринда турса-да, иқтисодий томондан солиштирганда уларга нисбатан ғариб ҳолатда эди. Чунки ўлкамиз мустамлака сифатида чорак кам бир аср давомида хом ашё базасига айлантирилганлигини бугун яхши биламиз. Ҳатто, собиқ иттифоқ армиясига оддий аскарлар етказиб бериш юки ҳам бизнинг елкамизда эди.

Қизиқ-да, Украинанинг тили, маданияти, тарихи ва дини Россияники билан деярли бир бўлишига қарамай, унинг тўла мустақилликка интилаётганлиги негадир Москвага ёқмаяпти. Лекин собиқ Иттифоқ вориси бўлган Россия Укрананинг ажралиб кетмаслиги учун ҳамма нарсага тайёр турибди.

Ўзбекистонда айниқса, армия масаласини ҳал қилиш катта қийинчиликлар туғдиради. Ахир фақат оддий аскар етиштириб бериш билангина мустақил армия тузиб бўлмайди-да! Яна бир гап: Туркистон ҳарбий округи тақдирини ҳал қилмасдан туриб ҳарбий муаммоларни ечиш мумкин эмасга ўхшайди. Чунки август ойининг 19—21 кунларидаги воқеалар шуни кўрсатадики, республика ҳудудидаги давлатга бўйсунмайдиган ҳарбий қисмлар мустақиллик учун хавф солар экан. Шунинг учун ҳам ҳарбий округ қўмондонлари албатта республика Президентига бўйсуниши керак. Шу маънода бўлса керак, Украина Президенти армия масаласида томонлар билан алоҳида шартнома тузишни маъқул кўраяпти.

Тили қуйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади, деган мақол бор. Украина ўзини озод юрт деб ҳисобламайди. Шунинг учун ҳам у марказ томонидан ҳам тузилмоқчи бўлган «Мустақил давлатлар иттифоқи»га қўшилишни истамаяпти.

Кейинги бир неча ой давомида Москвадан бошқа республикаларга қоғоз ва ёғоч жўнатиш чегараланган эди. Шунга мувофиқ Украина ҳам дон ва қанд маҳсулотлари юборишни сустлаштирди. Натижада Москва шаҳрида озиқ-овқат танқислиги ортди ва тазйиқ ўтказишдан фойда йўқлигини марказдагиларнинг ўзлари ҳам тушуниб етдилар.

Очиқ тан олиш керакки, Ўзбекистон ҳам Украина каби тўлиқ мустақиллик йўлида саъй-ҳаракат қилиши учун энг аввало республика парламенти ишини кучайтириши керак. Халқ ва халқ вакилларининг сиёсий онги ўсмас экан, у халқ ҳеч қачон ўз президенти ва юртини ҳимоя қила олмайди. Аксинча ўзини-ўзи еб адо қилади. Демак, қарамлик давом этаверади, фақат шакли бошқача бўлиши мумкин. Бундан мартамади.

Кейинги бир неча ой давомида Москвадан бошқа республикаларга қоғоз ва ёғоч жўнатиш чегараланган эди. Шунга мувофиқ Украина ҳам дон ва қанд маҳсулотлари юборишни сустлаштирди. Натижада Москва шаҳрида озиқ-овқат танқислиги ортди ва тазйиқ ўтказишдан фойда йўқлигини марказдагиларнинг ўзлари ҳам тушуниб етдилар.

Очиқ тан олиш керакки, Ўзбекистон ҳам Украина каби тўлиқ мустақиллик йўлида саъй-ҳаракат қилиши учун энг аввало республика парламенти ишини кучайтириши керак. Халқ ва халқ вакилларининг сиёсий онги ўсмас экан, у халқ ҳеч қачон ўз президенти ва юртини ҳимоя қила олмайди. Аксинча ўзини-ўзи еб адо қилади. Демак, қарамлик давом этаверади, фақат шакли бошқача бўлиши мумкин. Бундан мартамади.

Шу маънода «Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги» битимининг тузилиши ғайри табиий ҳодиса эмас, балки табиий етилган вазиятнинг маҳсули экан. Мазкур битимнинг бирон ерида «славян»лар деб, ёзилмаган бўлса-да, марказий матбуот славянлар иттифоқи ҳақида хабар тарқата бошлади. Ҳатто, славянлар битимига қарши мусулмонлар ҳам битим тузади, деб гап тарқатди. Туркистон халқлари ўрнига, мусулмон халқлари дейилишидан атайлаб кўзда тутилган катта ғаразли мақсад борлиги сезилади. Халқларни динга қараб ажратишдан мақсад битта: марказ осонликча жон бермоқчи эмас!

Г. Старовойтованинг таъкидлашича, гўё битимга кўпчилик мустақил давлатлар имзо чекса, Украина ҳамма учун ҳам кенг имконият йўлини очади.

Автомобил транспорти вазирлиги Афғонистоннинг бошқа қатор шаҳарларидан Самарқанд, Хива ва Бухорога қатнайдиган янги автобус йўлларини очиб ҳаракатида. Бундан кутилган мақсад ҳар икки томонга фойда келтирадиган қўшма сайру саёҳат корхонасини ташкил этишдир.

ХУДДИ ЭРТАКЛАРДАГИДЕК МЕҲНАТ таътили давримда мириқиб хордиқ чиқаришнинг энг қулай йўлларидан бири спорт туризми билан машғул бўлишдир. Биринчидан — арзон, иккинчидан — мароқли. Бироқ бугунги иқтисодий аҳвол бу соҳага ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Касаба уюшмалари спорт туризми учун тўлов бермайдиган бўлди. Бундай аҳволда сайёҳлик-спорт уюшмаларининг яшаши қийин. Уларни омон сақлаб қолишга кўмаклашиш мақсадида хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатадиган сайёҳлик-спорт маркази тузишга қарор қилинди. Мақсад қизиқарли сайёҳлик-спорт тадбирларини уюштириб, одамларни оммавий дам олишга жалб этишдир. Жумладан, яқинда ташкил этилган сайёҳлик ярмаркасига мамлакатнинг ҳамма бурчакларидан туризм ходимлари ташриф буюрдилар. Кўклам бошланиб, табиат яшил либосга бурканган, сайёҳлик-спорт йўналиши бўйлаб туяларда саёҳат уюштириш режаланмоқда.

⊙ Биласиз, пилла қуртини боқиш — ўта машақатли юмуш. Етиштирилган ҳосилдан ипак газлама тайёрлаш-чи? «Бу кенг қамровли жараённинг ҳам ўзига хос қийинчиликлари мавжуд», — дейишади Марғилондаги ипакчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг йигирувчиларию тўқувчилари. Бироқ уларнинг ҳар бири ўз касбининг устаси, тажриба ва малака соҳиби. Шу боис мазкур корхонада тайёрланаётган 40 турдаги маҳсулот нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий мамлакатларда ҳам маълум ва машҳур.

СУРАТДА: тўқимачилик цехида.

Ш. АЛИМОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

Пойтахт ҳаёти

ЯНА БИР ДУСТЛИК КУПРИГИ

ЎЗБЕКИСТОН Жумҳуриятн Автомобил транспорти вазирлиги билан Афғонистон Транспорт вазирлиги имзолаган шартномага мувофиқ Тошкент — Мозори Шариф — Тошкент йўналишида автобус қатнайдиган бўлди. «Узафгантрассервис» совет-афғон қўшма транспорт-савдо корхонаси амалга оширадиган бу халқаро автобус қатнови фақат сайру саёҳат ишқибозларига эмас, балки амалий алоқа ва тижорат муносабатлари учун ҳам кенг имконият йўлини очади.

ФЕРМЕРНИНГ ЙЎЛИ ТЎСИҚ

ЕКИ «БОБУРНОМА»ГА КИРГАН ҚИШЛОҚНИНГ БУГУНГИ АҲВОЛИ

«Ёр яйлоқ кентларидан Пашоғарниким... тиладукким, бу қиш орияти бергай, то анда ўлтуруб Самарқанд вилоятиға иликдин келганча эврушгайбиз...».

«Хўжандтин отланиб, Пашоғарға мутаважжиҳ бўлдум. Зоминға етган фурсатта иситтим. Бовужуди иситма Зоминдан отланиб, илғор қилиб... яна ёниб, ҳеч ерда таваққуф қилмай, Пашоғарға келилди».

Бобур бобомиз тилга олган Пашоғар (ҳозир Пешоғор дейилади) қишлоғи Зомин районидаги «Ленинград» давлат хўжалигининг маркази. Буюк ипак йўли ёқасида жойлашган Пешоғор йўловчилар учун қўналға, кенг яйловлари озиқ-овқат, отларга емиш манбаи бўлиб хизмат қилган. Пешоғор ва унинг атрофидаги қишлоқларда яшовчи аҳоли қадимдан чорвачилик билан шуғулланишган. Ана шу турмуш тарзи ҳозир ҳам ўзгаргани йўқ. «Ленинград» совхози Жиззах вилоятининг йирик чорвачилик хўжаликларидан бири. Бу ерда 4,5 минг қорамол, 16 минг қўй, 155 йилқи, 3,5 минг товуқ боқилади. Хўжалик ҳудуди 72 минг гектар. Тўртдан уч қисми тоғ ва тоғ олди яйловларидан иборат. Шунча яйловнинг пичанию ғалласининг сомони баъзи йилларда чорвага етмай қолади.

Пешоғорда бир қанча фермер хўжаликлари ташкил этилган. Юсуф Еқубов, Ҳайитбой Қўзиев каби ишбилармонлар мавсумда ўн тонналаб гўшт-сут топширмоқдалар. Хуллас, фермерлар хўжаликнинг бир ўнгарини елкаларида тутиб туришибди. Шуниг эвазига улар мўмай даромад олишмоқда. Чунки шартнома асосида ишлашади, фойданинг бари ўз киссаларига тушади. Шартномада кўрсатилганидан ошиқча молни ўз ихтиёри билан бозорда сотишади. Аммо шу фермерлар билан ёнма-ён жойлашган давлат фермаси зарардан чиқмайди. Нега? Буни хўжалик бош иқтисодчиси Қодир Нуртаев қуйидагича шарҳлайди:

— Кейинги пайтларда чорвадорларнинг иш ҳақи 20—25 фоиз оширилди. Илгари чўпон ўртача 160 сўм маош олган бўлса, энди 195—200 сўмга етди. Бозор иқтисодиёти шароитида бу пул билан рўзғор тебратиш қийин. Менимча, чорвадорларнинг иш ҳақи 100—150 фоиз оширилмаса, иш юришмайди. Асбоб-ускуналар, кийимкечак қимматлашиб кетди. Масалан, илгари нархи 68—75 сўм бўлган чўпон кийимлари ҳозир 550—600 сўм. Шу ҳам топилмаяпти.

Иқтисодчининг гапларида жон бор. Фермер биладики, қанча кўп ишласа — шунча кўп фойда олади. Даромадининг бари ўзиники. Хўжалик чўпони эса қанча тер тўкиб ишламасин, ойлик маоши 190 сўм атрофида қолаверади. Шундай бўлгач, жон қойитишнинг нима кераги бор? Фидойилик, коммунистча онглилик, жамиятга кераклилик дея етмиш йилдан буён айтиб келган гапларимиз сафсата эканлиги энди алайна-ошкор бўлиб қолди-ку.

Йил бошида яна бир таклиф айтилган эди: барча молни фермерларга ижарага берсак-чи? Хўп ўйлаб кўришди, лекин бу дадил, таваккалона қадамни босишга журъат этишолмади. Шунга қарамай, бу борада эҳтиёткорона ишлар қилинмоқда. Масалан, сўнгги икки йил давомида аҳолига арзон нархларда 43 бош қорамол, 44 бош қўй, 350 парранда сотилди. Ана шу йўналиш давом этаверса ҳам яқин орада чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабни қондириш борасида сифат ўзгариши рўй бериши тайин.

Ички имкониятларни ишга солиш, чорвачиликни ўз харажатларини ўзи қоплаш даражасига етказиш йўлида изланишлар самарасини бермоқда. Октябрь, ноябрь ойларида бир қатор чорвачилик маҳсулотлари аҳолига ва ташкилотларга давлат харид нархидан юқори баҳода сотилганлиги хўжалик иқтисодининг бирмунча ўнгланишига олиб келди.

— Умуман, бизнинг шароитда туб ўзгаришлар қилинмас экан, чорвачилик жойида депсиниб туравереди. Дон экиладиган 18 минг гектар лалми ернинг лоақал ярмига оқар сув келтирилиши лозим?!

— Қандай?

— Биринчидан, Зомин тоғи сувларининг табиий ўзанини биз томонга буриш керак. Иккинчи йўли: Жиззах насос станцияси Сирдарё сувини 120 метр баландга кўтариб, районимиздаги қатор лалмикор хўжаликларни обикорга айлантириш. Дастлабки лойиҳага кўра тўртта насос қурилиб, Сирдарё суви 166 метр баландга кўтарилиши мўлжалланган. Ўшанда сув бизнинг хўжаликка етиб келар ва ҳозиргига қараганда ўн баравар зиёд ғалла, гўшт-сут етиштириш қувватига эга бўлардик.

Маҳсулотларнинг давлат харид нархлари чорвадорларни қониқтирмаяпти. Тўғри, агар давлат буғдойни ҳозиргидай 20 тийин эмас, 60—90 тийиндан сотиб олса, унинг нархи ҳам кескин ошиши тайин. Гўшт-сут масаласида ҳам шу каби мулоҳазалар мавжуд. Шундай экан, давлат қарамоғидаги болалар боғчалари, шифохоналарга қиммат нархда сотиш инсофдан эмас. Шунинг учун ҳам қўшимча даромад манбаларини изларямиз. Кичик сут заводи қуриш режаси ана шу мақсадлардан бири.

Баъзи сут заводлари айронни тўкиб ташлайдилар ёки сув-текинга чўчқачилик совхозларига сотадилар. Дўстлик районидаги боғдорчилик хўжалигида айронни қайта ишлаб, пишлоқ тайёрлайдиган цех очилди. Асбоб-ускуналар учун бор-йўғи 20 минг сўм сарфланган. Энди ҳар йили юз минг сўмлаб фойда бераяпти. Бундай цех бизда миллионлаб фойда келтириши мумкин. Катта ўзбек тракти бўйида «Қимизхона» очиш ҳам келажак режаларидан.

Нафсиламбирини айтганда, хўжалик кўрсаткичлари унча ёмон эмас, режалар бажарилаяпти. Агар 1985-90 йиллар кўрсаткичини олиб қарасангиз, мунтазам шу ҳол давом этиб келганига гувоҳ бўласиз ва ногоҳ ўйлаб қоласиз: ахир фермер хўжаликлари ўзларини оқлашаяпти-ку. Нега у кенг ёйилмаяпти? Давлат фермалари касодга учрашидан қўрқишаяптими?

Пешоғорнинг ерлари унумли, яйловлари серўт. Фақат тадбиркор чорвадор керак. Унинг қўлларини бўшатиш, ишбилармонликка кенг йўл очиш керак. Бу яйловлар Бобур бобомизнинг ундан олдин ва ундан кейин не-не жаҳонгашталарнинг минглаб отларини, қўю молларини боққан, эндиям боқишга қодир...

Абулқосим МАМАРАСУЛ ўғли,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚИРҒИЗИСТОН ЯНГИЛИКЛАРИ

НАСОС ЭВАЗИГА

УШ насос заводи жамоаси режадан ташқари ишлаб чиқарилган электр насосларини буғдойга алмаштиришга аҳд қилди. Шу ниятда Оренбург вилоятига 80 дона электр насоси юборилди.

АЁЛЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

УШДА Қирғизистон Республикаси жумҳурият мусулмон аёллари ассоциациясининг вилоят бўлими ташкил этилди. Унинг раиси этиб ўшлик қирғиз шоираси Тозагул Зокирова сайланди.

АЛОҚАЛАР БОШЛАНДИ

ПОКИСТОННИНГ иқтисодиёт бўйича давлат вазири Сардор Асиф Али бошчилигидаги Покистон Ислом Республикаси делегацияси Бишкекка келди. Қирғизистон ва Покистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик асослари тўғрисида битим имзоланди.

Меҳмонлар иккала давлат ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатиш, талабалар, мутахассислар айирбошлаш юзасидан фикрлашдилар. Покистонликлар Бишкекдаги мусулмонлар масжидида бўлишди.

Учрашув чоғида Покистон Бош вазири Қирғизистон Республикаси Президенти А. Акаевга Покистонга ташриф буюришини сўраб расмий таклифнома жўнатилганлигини маълум қилди.

Р. КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Ангрендаги «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси аҳолининг калишга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришни мақсад қилиб олган. Бу ерда яқинда ишга туширилган цехдан ҳар куни олти минг жуфт оёқ қийим жўнатилмоқда.

СУРАТДА: калиш тайёрлаш цехида.

В. МИЛЕНЬКИЙ олган сурат.
(ЎзТАГ).

ХУШХАБАРЛАР

«Навоназот» бирлашмасининг 2-болалар боғчаси санаторийга айлантирилди. Жиддий таъмирдан сўнг бу ерда сариқ касаллиги ва бошқа хасталиклар билан оғриб ва тузалган кичкинтойлар учун соғломлаштириш маркази барпо этилди. Тиббий ходимлар штати бутланди, бир қанча болалар хасталикларининг олдини олиш махсус дастури ишлаб чиқилди. Дастур жисмоний тарбия билан шуғулланиш, кучли овқатлантириш, гиёҳлар билан даволашни ўз ичига олган.

* * *

Москвадаги хирургия илмий маркази Тошкент филиали негизида республика баро маркази ташкил этилди. У ерга бир ўринли ва кўп ўринли барокамералар ўрнатилган бўлиб, улар ноёб операциялар ўтказишга, клиника беморларини амбулатория йўли билан даволашга мўлжалланган.

(ЎзТАГ).

Хориж мактаби. Кореяга сафар

КУРТАКНИНГ КЎКАРИШИ

Дунёда шундай мамлакатлар борки, улар иккинчи жаҳон урушидан кейин қисқа муддатда тез юксалиш йўлига тушиб олганлар. Жанубий Корея ана шундай давлатлардан бири. Агар бундан беш-олти йил илгариги қомусларимизни варақлаб кўрсангиз, Жанубий Корея ҳақида «аграр қолоқ ўлка», «Америка капиталига асир бўлган давлат» деган таърифларни ўқийсиз. Ваҳоланки, ҳозир Жанубий Корея маҳсулот алмашиниш бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллайдиган, пўлат ишлаб чиқариш, аслаҳасозлик, электроника, кемасозликда мисли кўрилмаган натижаларга эришган мўъжизакор бир диёрдир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Юсуф Неъматович Абдуллаев яқинда Жанубий Кореяда бўлиб қайтди. Ёзувчи Туроб Мақсуд Жанубий Кореянинг мўъжизакор тараққиёти хусусида Ю. Абдуллаев билан суҳбатлашди.

- «КИЧИҚ ШЕР» НИМАГА ҚОДИР?
- ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯГА ШАЙДОЛИК.
- МАОРИФНИНГ КУЧИ.
- РУҲОНИЙЛАР БОҒЧА ҚУРИШАДИ.
- ТАРАҚҚИЁТ ҚАЛИТИ.

Туроб МАҚСУД: Юсуф Неъматович, маълумки Жанубий Корея ҳам уруш вайронгарчиликларини бошдан кечирган, бизга ўхшаб мустамлакачилик азобини тортган мамлакат. Япон истибдоди бу ўлкани хом ашё етказиб берадиган аграр қолоқ ўлка сифатида асоратда ушлаб турган эди. 1945 йилдан миллий истиқлолга эришган бу ўлка қисқа фурсатда дунёни ҳайратга солди. У ҳақда «Иқтисодий мўъжизалар ўлкаси», «Кичик шер» деган ёрлиқлар юра бошлади. Сизнингча, юксалишнинг сирасрори нимадайкин?

Юсуф АБДУЛЛАЕВ: Гапнинг очиғи, мен шу ҳақда Жанубий Кореяда бўлмасимдан илгари ҳам кўп ўйлардим. Чунки оммавий ахборот воситалари орқали бирмунча маълумотларга эга эдим. Жанубий Кореяда бўлганимда эшитганларим тасдиғини кўрдим.

Ўзбекистонга қараганда деярли тўрт баробар кичик бўлган бу ўлкада қирқ бир миллиондан ошиқ аҳоли яшайди. Табиати турли қазилма бойликларига кон, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун қулай шароитга эга. Беш миллиондан ортиқ корейслар чет элларда яшар экан. Жанубий Корея давлати ана шу чет эллик корейсларга алоҳида эътибор кўрсатиб, уларнинг ўқиши ҳақида Цолохандо вилоятининг Кванжу шаҳрида конференция ташкил этди. Ана шу анжуманда қатнашдим, «Маориф — равнақ ва ҳамжиҳатлик йўлида» мавзуида маъруза қилдим.

Унда Ўзбекистонда 200 минг корейс яшаши, 27 та корейс тилида ўқитиладиган мактабларда 3,5 мингдан зиёд ўқувчилар ўқиши, 1985 йилдан бошлаб Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида корейс тили ва адабиёти бўлими ишлаётгани хусусида гапириб бердим.

Конференциядан кейин кўплаб жойларга ташриф буюрдик. Шаҳар мэрлари, губернаторлар, ишбилармонлар билан суҳбатлашдик. Жанубий Кореяда корейс тили билан бирга инглиз тили нуфузга эга. Шунинг учун таржимонсиз гаплашиш имконига эга бўлдим. Айниқса, Кореянинг Маориф бўйича вице-министри Ку Янг Чо билан суҳбатимиз жуда катта таассурот қолдирди.

Жанубий Кореянинг қисқа вақтда юксалишга эришганининг сабаблари кўп: энг аввало Ватан тақдири учун куйинган раҳбарлардан тортиб, хусусий мулк эгаларию барча корейс халқининг тадбиркорлик билан иш тутишини алоҳида таъкидлаш лозим. Ана шу тадбиркорликдан фан-техника ютуқларига, илғор технологияга шайдолик вужудга келади. Жанубий Кореяга илғор технология кириб келиши учун барча йўллар очиб қўйилди. Бунда айниқса, Америка, Япония билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиб, қўшма корхоналар тузишга катта аҳамият берилди. Масалан, ҳозир жаҳондаги энг йирик иккита металлургия корхонаси ҳам Жанубий Кореядадир.

Яна бир масалага эътибор бериш лозим: Шарқда Ғарбга нисбатан ишчи кучи арзон. Чунки аҳоли зич жойлашган. Бу эса кўчма корхоналардаги маҳсулот таннархини пасайтирди, чет элдан катта ҳаражатлар ҳисобига олинадиган маҳсулотлар мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарила бошланди.

Корейс халқининг жуда меҳнатсеварлиги ҳам муҳим омилдир деб ўйлайман.

Т. М.: Ўзбек халқи ҳам ўзининг меҳнаткашлиги билан машҳур. Инқилобдан кейинги ўтган шунча даврда ўзбек деҳқони учун календарнинг қизил ёзилган куни аҳамиятсиз, у шанба, якшанба нима эканини билмай меҳнат қилади. Болачақамни боқаман деб қишинёзин тинмайди. Аммо косаси оқаргани йўқ. Турмуш даражаси аксарият республикаларникига қараганда анча паст. Демак, тараққиёт, фаровонлик учун биргина меҳнаткашликнинг ўзи етарли мезон бўлолмас экан-да!

Ю. А.: Албатта. Меҳнаткашликни рағбатлантирадиган, бу ҳислатларни ривожлантирадиган, яширин имкониятларига йўл очадиган тизим, ижтимоий шарт-шароит зарур экан. Мен бу ҳақда Кореяда бўлганимда жуда кўп ўйладим. Тараққиётнинг чин калити — маорифда эканлигига у юртда яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Жанубий Кореянинг. Маориф ҳақидаги қонуни 1948 йили қабул қилинган. Давлат бюджетининг 24,5 фоизи халқ маорифига ажратилади! Бу — жуда юқори кўрсаткич.

Генерал Родэу 1988 йил февраль ойида давлат бошига келди. Қаранг, ҳарбий одам бўлишига қарамай энг аввало, ўша йилнинг март ойидаёқ 80 кишидан иборат Маориф кенгаши таъсис этилди. Бу кенгашга энг нуфузли олимлар, ёзувчилар, тадбиркорлар, йирик фирмаларнинг раҳбарлари кирган. Кенгашга генерал Родэунинг ўзи раҳбарлик қилди. Солиқлар тизимига маориф солиғини киритди. Ишлаб чиқаришдан олинадиган фойданинг маълум бир улуши албатта Халқ маорифига ажратилади. Мавжуд олий ўқув юртларининг 80 фоизига яқини хусусийдир.

Т. М.: Илғор технологияни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш учун ҳам инсон саводхон, камолга етган бўлиши керак. Давлат бюджетидан халқ маорифига 24 фоиз ажратилса, маориф солиғи ҳам қўшилса, кўпгина ўқув юртларининг хусусий эканлигини ҳисобга олганда, маорифнинг маблағ билан таъминланиши жуда юксак экан-а!

Ю. А.: Ҳа. Мана шунинг натижасида бошланғич, ўрта, ҳунар-техника, олий ўқув юртларидаги шароитни кўриб қойил қолмай иложингиз йўқ. Аввало кабинетлар, лабораториялар, ўқиш хоналари техника тараққиётининг энг сўнгги ютуқлари билан муомала қила билишга ўргатадиган тарзда жиҳозланган. Юксак дид билан таълим олишга қулай тарзда қурилган. Жуда озода, хуллас ёшларнинг ҳавас, иштиёқ билан ўқишларига барча шароит яратилган.

Т. М.: Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикасининг маориф ҳақидаги Қонун лойиҳаси эълон қилинди. Унда маорифга миллий даромаддан 15 фоиз маблағ ажратилиши эътироф этилган. Бизда корхоналар ўқув юртларига қўл учида оталиқ қилишини ҳисобга олганда, 15 фоиз маблағ жуда камлиги яққол билинади. Кореяда 1948 йилда қабул қилинган қонундан биз бугун ҳам олға кетолмас эканмиз, келажак тараққиётинга пухта замин ҳозирлаш мушкул. Шунга кўра янги қабул қилинадиган Қонунда миллий даромаддан камида 25 фоизи маорифга ажратилади, деб белгилаш керак.

Ю. А.: Қанийди шундай бўлса. Узоқ йилларга мўлжалланган қонун ҳар жиҳатдан пухта бўлиши керак. Хусусан маорифга нисбатан хасислик қилиш ҳеч мумкин эмас. Мана масалан, Кореянинг Қонунига кўра 2000 йилга бориб давлат бюджетидан 30 фоиз маблағ халқ маорифига ажратилади. Ҳозир Францияда давлат бюджетидан халқ маорифига 30 фоиз маблағ ажратилади. Бу — ҳарбий мақсадга ажратиладиган маблағдан 50 миллион франк кўп.

Жанубий Кореяда ҳунар-техника билим юртларини корхоналар оталиққа олган. Ҳунар-техника билим юртлари биринчи навбатда хом ашё жиҳози билан таъминланади. Натижада мамлакатдаги 600 та ҳунар-техника билим юртида юқори малакали мутахассислар тайёрланади. Битирувчиларнинг 45 фоизи бизнисмен, 23 фоизи техника мутахассиси, қолганлари денгизчилик ва қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассис бўлиб етишадилар.

Мамлакатда халқ маорифининг ғарбча модели ҳукумрон: қуйи мактаб — 6 йиллик, шундан кейин 3 йил ўрта маълумот, 3 йил олий маълумот олинади. Ундан кейин 4 йиллик колледжда ўқилиб бакалавр унвони олинади: яна икки йил танланган фан чуқур ўрганилгач, магистр, яна уч йилдан сўнг эса фан доктори унвонига эга бўлинади.

Чет элларда бўлиб: «Мен фалон фан номзодиман» десангиз ҳайрон қолишади. Фан номзоди деган сўз олимлик даражасини тўла очмайди. Бугун биз таълим-тарбиянинг жаҳон стандартларига мос равишда иш тутишга ҳаракат қилаётган эканмиз, бу борада ҳам тўғри йўлга тушиб олишимиз керак. Шунга кўра мен янги Қонунда аспирантура ўрнига магистрантура ташкил этиш, бакалавр, магистр, фан доктори тайёрланишини йўлга қўйиш ифодаланиши лозим, деб ўйлайман.

Бошланғич таълим мажбурий, 1-9 синфгача ўқиш бепул. 9-синфгача тўлиқсиз ўрта маълумот олинади. Кейин ўқувчи имтиҳон топшириб 10-синфга киради. Ўрта мактабда 12-синфни битиргандан сўнг колледжга кириш мумкин.

Колледжларнинг ҳаммаси университетлар қошида ташкил этилган.

Шуниси диққатга сазоворки, мактабни битирган ўқувчиларнинг 40 фоизи олий ўқув юртига киради. Студентлар сонининг кўплиги жиҳатидан Корея жаҳонда биринчи ўринда туради. Бизда эса ўрта мактабни битирган ёшларнинг 7,5 фоизига яқини олий ўқув юртларидан ўрин олади, холос.

Т. М.: Маорифнинг қуйи бўғинларида аҳвол қандай!

Ю. А.: Юқорида ўрта таълим хусусида гапирдим. Очиғи, бошланғич синфларда ўқиётган ўқувчиларни кўриб ҳайрон қолдим. Бир синфда 50 нафаргача бола бўлишига қарамай, дарс соатлари тиғиз, бир дарс 40 минут давом этади. Лекин ўқув режасига турли ўйинлар, дам олиш соатлари киритилгани учун болалар чарчамайди.

Т. М. Бизнинг мактаблар синфлари ҳам бола тиғизлиги жиҳатидан Кореядан қолишмайди. Таълим-тарбия ишларини муваффақият билан олиб бораётган эканлар, тажрибалари бизга жуда қўл келиши мумкин экан-да!

Ю. А.: Албатта, лекин корейслар ҳам ҳозир синфда бола кам бўлиши учун курашяптилар.

Кейинги йилларда Жанубий Кореяда мактабгача тарбияга жуда катта аҳамият берилмоқда. Чунки инсон камолотига ана шу даврда мустаҳкам пойдевор қўйилса, таълим-тарбия самарали бўлиши турган гап. Шунинг учун бу юртда 1982 йили мактабгача тарбия хусусида Президентнинг алоҳида фармони қабул қилинган: болалар боғчалари сони кейинги йилларда 60 фоизга кўпайган. Боғчаларнинг кўпчилиги диний ташкилотлар, оз қисми эса жамоат ташкилотлари ҳисобига барпо этилган.

Т. М.: Демак, таълим-тарбия жараёнига диннинг эътибори, таъсири кучли экан-да!

Ю. А.: Жанубий Кореяда дин билан мактаб муносабатлари ибратли йўлга қўйилган. Давлат мактабларида дин дарслари ўқитилмайди. Лекин ҳафтасига икки соат ўтиладиган, 12-синфгача давом этадиган «Миллий ахлоқ» дарсида ўтмишдаги ахлоқ, маданият, дин тарихи ҳақида анча мукаммал тушунча берилади. Ўқувчилар диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланадилар. Мамлакатнинг турли шаҳарларида кўплаб ёшларнинг ибодатхоналарга кириш-ётганининг, диний қадриятларга ҳурмат-эътиборининг гувоҳи бўлдим.

Дин ташкилотлари халқ фарзандлари учун кўплаб замонавий мактаблар, боғчалар қуриб беришаяпти. Буни кўриб мен: «Қанийди, бизнинг диний ташкилотларимиз ҳам шундай йўл тутишса», — деб орзу қилдим.

Т. М.: Ўқитувчининг ижтимоий аҳволи ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

Ю. А.: У ерда давлат томонидан ўқитувчиларга катта эътибор берилади. Масалан, энг йирик металлургия заводининг ишчиси ўрта 1200—1300 доллар ойлик иш ҳақи олса, шу корхонага қарашли мактабнинг ўқитувчиси 2 минг доллар маош олади.

Японяндан тараққиёт сирларини ўрганган Жанубий Корея бугунги кунда ана шундай — ривожланиш йўлидан бораётган, тараққий этган ўлка.

Ўзбекистон бугун мустақиллик йўлига кирди. Тарихда биринчи марта умумхалқ сайлови билан ўз Президентимизни сайладик. Ислом Абдуғаниевич Каримовга юксак ишонч билдирилди. Умид қиламанки, республикамиз раҳбарлари хорижнинг илғор тажрибасини халқ маорифига татбиқ этишга катта эътибор берадилар.

Т. М.: Суҳбатингиз учун раҳмат! Яхши ниятларимиз рўёбга чиқсин.

Қишлоқ борки, шаҳар хотиржам

ПОЛОСОНЛИКЛАР

Олтиариқ районидаги «Ленинобод» давлат хўжалигининг аҳволи етмишинчи йилларнинг иккинчи ярмига келиб ётса туролмайдиган, турса юролмайдиган жониворнинг ҳолига тушиб қолди. Полосонлик деҳқонлар районда қандай йиғилиш бўлмасин, режалар камайтирилишини талаб этишар, бусиз хўжалик ўнгланмайди, деган фикрни исботлашга интилишарди. Район раҳбарлари ҳайрон. Нима қилиш керак? Эҳтимол, директорни алмаштириш лозимдир? Кўпчиликнинг фикри шу тўхтамга келди. Қолоқ хўжаликка «сурилиш» район ремонт ишлаб чиқариш корхонасининг бошлиғи Ҳабибулло Юсупов чекига тушди.

Янги раҳбар келарда-келмай ишни пахтазорлардаги тут дарахтларини қийратишдан бошлади. Пилла сиёсати ҳам пахтаникидан қолишмасди. Кўпчиликнинг юрагини ваҳима босди: «Тамом. Ҳабибулло партбилетини ушлаганча учди-кетди», дейишарди. Бироқ унинг ҳай-ҳайларга қулоқ солишга вақти йўқ эди. Қайлардандир ташландиқ механизмларни йиғдириб келиб 16 та текислов трактори тиклади. Ўша йилнинг ўзидаёқ 4 минг гектар экин майдонидан 500 гектарида пайкал йириклаштирилиб, кафтдек текисланди. Бу иш то 1982 йилгача давом этди. Тутзорлар қанчалик кўп қулатилмасин пилла режалари бажарилаверди. Сабаби, ҳар туп кесилган тут ўрнига бошқа жойда ўн туп кўчат экиларди.

Пахтачиликда эса биринчи, иккинчи йиллари хўжаликнинг иши ўнгидан келмади. Чунки алмашлаб экиш чатоқ эди. Буни тушунган хўжалик мутахассислари алмашлаб экишни 28 дан 34 фоизга чиқаришди. Шундан кейин ишлар жонланди.

Ҳабибулло Юсуповнинг айтишича, алмашлаб экишнинг хосияти кўп. —Бу яхши чорва, бўрсилдоқ, соғлом ер, мўл ҳосил гарови, — дейди у. — Мана қаранг — 1977 йили хўжалигимиз бор-йўғи 566 тонна сут топширган эди. Бу йил маҳсулот 1300 тоннадан ошди. Деярли уч ҳисса кўп. Тўғри, биз бу ўринда жониворлар парваришига муносабатни тубдан ўзгартирганимизни, молхоналарни бошқатдан қурганимизни ҳам таъкидлаш лозим.

Янги раҳбарнинг бошлаган қайта қуриш ишлари шу даражада кенг кўламли эдики, ташқаридан қараган одам булар ишнинг бош-кетини йўқотиб қўйишипти, деб ўйларди. Дарҳақиқат, далалардаги тутқаторлар суғириб ташланган, текислов тракторлари тиним билмайди, хўжалик бинокорлари хароб шийпонларни бузишиб, ўрнига замонавийларини қурмоқдалар, эски молхоналар ўрнига янги чорвачилик иншоотлари тикланмоқда.

— Э, худодан астойдил тилаб, яхши ният билан киришган эканмизми, ишларимиз шунақаям юришиб кетдики, ўзимиз ҳам ҳайрон қолардик баъзан, —дея эслайди директор, ўша йиллар ҳақида ҳикоя қилар экан .—Одамларимиз ҳам барака топишсин, ҳар бир ишни астойдил бажаришди.

1980 йилдан хўжаликда режалар бажарилиб, юксалиш кўзга ташланди. Барча тармоқлар бўйича мусобақа қизитиб юборилди.

Режалар бажариларди-ю, бироқ негадир дил равшанлашиб, омад равонлашиб кетавермас эди. Хўжалик тараққиётидаги қандайдир зўриқиш аломатлари совхоз раҳбарларига тинчлик бермасди. Хўш, бунинг синоати қаерда? Кадрлардами, техника, технологиядами, ишга муносабатдами? Топишди. Алмашлаб экишда экан қусур. Қисман алмашлаб экишдан йилига 200—250 гектар майдон бой бериларди. Гектаридан ўртача 30 центнердан пахта йиғиштирилсаям...

Хўжалик мутахассисларининг фикрича, уларнинг бугунги муваффақиятларига асосан икки омил сабабчи: биринчиси—алмашлаб экишга юз фоиз ўтилгани, иккинчиси, тўлиқ ижара пудрати.

Улар ижара пудратига битта-иккита бригадани ўтказиб тажриба қилиб ўтиришмади. 1984 йилдан бутун хўжалик шу усулга ўтди-қўйди. Бригадаларда ҳисобчи йўқ бўлди. Ерга муносабат ўзгариб кетди. Натижада ҳашарчилар ёрдами ҳам кўпчиликка хуш келмай қолди. Ҳар ким етиштирган ҳосилинни ўзи, иложи борича оз чиқим билан йиғиштириб олишга интиларди.

1982 йил эди. Совхоз ишчилари ҳосилни ҳашарчиларсиз йиғиштириб оламиз, деган ниёт билан чиқишди. Кўп ўтмай вилоят ижроқўми раиси директорни чақириб, фалон нафар талаба ҳашарга боряпти, қабул қилиб олинг, деб қолди. Шунда у: «Қани ишчилар билан маслаҳатлашай-чи»,—деб жавоб берди. Директорнинг бунақанги жавобидан нафсонияти қўзғаган бошлиқ: «Э, нима деяётганингизни биласизми, ўртоқ Юсупов, пахта—бу сиёсат,»—деб дағдаға қилди. «Ҳа, пахта, бу сиёсат, аммо иқтисод ҳам сиёсат-ку»,—деб шарт бурилиб чиқиб кетганди ўшанда у.

Дарҳақиқат, қизиқ тушунча. Пахта сиёсатми ёки иқтисод сиёсатми?

Ўша пайтларда К. Марксининг «Капитал»ини сув қилиб ичиб юборган, манаман деган олимлар ҳам бунинг қайси бири муҳимроқ эканлигини юрак ютиб айтиб беролмас эдилар. Мана энди бу муаммони оддий сувчидан сўрасангиз ҳам лўнда қилиб тасвирлаб, қулоғингизга қистириб қўяди.

«Ленинобод» совхози райондаги энг оғир карвон хўжаликлардан. Улар бу йил ҳам режадаги 3.470 тонна ўрнига салкам тўрт минг тонналик хирмон яратиб, маррага биринчилар қатори етиб келдилар. Ҳосилдорлик салкам 32 центнерни ташкил этди. Хом ашёнинг 93 фоизи юқори навларга сотилди. Ишчиларга ҳар кило пахта учун 60 тийиндан тўланди. 10 кунда 1400—1500 сўм ҳақ олган илғор теримчилар кўп бўлди. 2-бўлимнинг Абдураҳим Турғунов бошлиқ бригадаси чевар теримчиси Маҳбуба Холованинг беш кунлик иш ҳақи 783 сўмга тўғри келибди. Демак, у кунига 300—400 килограммга етказиб пахта терган. Дилбар Шодмонованинг уйган хирмони 7 тоннага етди.

— Режаларни бажараяпмиз, — дейди сўзида давом этиб Ҳабибулло ака. — Бироқ бир нарса кишига озор беради. Одамларга пул беряпмиз-у, лекин унга сотиб олинадиган ҳеч ваҳо йўқ. Одамларни кийинтиришдан ҳам кўра қорнини тўйдириш мушкул бўлиб қолди. Шунинг учун пахтадан бўшаган ерга узоқ ўйлаб ўтирмай, ғалла экишга киришдик. Майли, сепиб қўяверайликчи, зиён қилмас. Борди-ю унчалик эҳтиёж сезилмаса, бузиб бошқа нарса экаверамиз.

Шу йил баҳорда ҳам ҳар хил гап-сўзларга қулоқ солмай экилган буғдойзорлар иш берди. Киши бошига тарқатилгани (100кг) дан ташқари давлатга 140 тонна ўрнига 143 тонна дон топширилди. Бир неча юз тонна буғдой омборларга ғамлаб қўйилди. Шундан бир қисми ун (70т)га алмаштирилди. Ҳар ойда жон бошига 6 килограммдан ун тарқатиб берилмоқда.

Афсуски, хўжалик гуллаб-яшнайдиган бир даврга келганда полосонликларнинг бир қисми Каримов номли жамоа хўжалигини тузиб, ажралиб чиқишга қарор қилдилар. Бу тадбир иккала хўжалик иқтисодига ҳам фойда келтиргани йўқ. Оддий мисол. Чорвани олайлик: сут-товар фермаси, ғунажинларга мосланган бинолар ленинободликларда, бўрдоқичилик фермаси Каримов номли колхозда қолди. Маъмурий бинолар, минерал ўғитлар омборхонаси ҳам уларнинг чегарасига тушган. Кассадаги икки миллион сўм жамғарма тегишлича бўлинди. Яхшиямки, бу йил пахтанинг харид нархи икки баробар ошиб, хазинага пул тушиб қолди. Йўқса, иккала хўжалик ҳам хароб бўлар эди.

— Қувонадиган жойи шуки,—дейди директор—ажралиб чиққан К. Каримов номли колхоз, бу йил маррага биздан илгарироқ етиб келди. Бўлиниб чиқиб кетишган бўлсалар ҳам ҳар ҳолда кўп йиллар бирга бўлдик. Ўртада меҳр бор, муҳаббат бор...

Полосон қишлоғини бугун шаҳарга менгзаш мумкин. Бу ерда айрим шаҳарларда йўқ ташкилот ва корхоналар, яъни пахта тозалаш, темир-бетон заводлари, ип-йигирув фабрикаси, қурилиш ташкилотлари, тикувчилик цехлари, болалар боғчалари ва мактаблар, иккита автобаза жойлашганки, булар қишлоқнинг теварак-атрофдаги нуфузини янада сарбаланд қилади. Қишлоқнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган Қўқон-Марғилон йўли бу ерликларни мағрибу машриқ билан боғлайди. Йўлнинг икки қирғоғидаги шинам дўконлар, ҳар ярим чақиримда қассоблар қанорасига илиб қўйилган семиз мол ва қўй ғўштлари бу юртда тижорат ишлари анчайин ривож топгани, аҳолиси нисбатан хотиржам эканлигидан дарак.

Дарвоқе, Полосон деган ном ҳақида. Айтишларича, қадимда Жумҳуриятимизга кўплаб бу жойлар қалин, қўрқинчили қамишзор бўлган экан. Ҳасанбой исмли танти деҳқон биринчи бўлиб, шу ерларга келиб ер очиб, пол ола бошлабди. Эл-юрт унинг қуйиб-пишиб қиғир-қийшиқ, баланд паст поллар олаётганини кўриб устидан кулибдилар. У бўлса, орият ўлимдан қаттиқ сир бой бермай жон ҳолатда тиришиб шолидан мўл-кўл ҳосил етиштирибди. Сўнг шу ерни ватан тутиб, униб-ўсиб, ўзидан кўпайибди.

Жумҳуриятимизга кўплаб машҳур кишиларни етказиб берган Полосон қишлоғининг номи ўша «Поли Ҳасан» сўзидан қолган дейдилар. Полосонликлар эса жасур, бир мақсад йўлида қийиничиклардан қайиқмайдиган ана шу Ҳасан деҳқоннинг фарзандлари экан.

Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ.

ТОШКЕНТ давлат техника дорилфунунининг электрон ускуна-созлик факультетида республикамизда биринчи бор техник ашёлардан экологик муаммоларни ўрганиш йўлга қўйилди.

Экология барча соҳанинг диққат-эътиборига айланиб бормоқда ва турли касб соҳиблари эзгу ният билан табиат дардига малҳам изламоқдалар.

Ушбу суратдаги талабалар Озода Ҳакимова, Нодира Назарова ва факультет декани Жалолиддин Муҳиддиновнинг ҳам мақсади она табиатга кўмак бериш, албатта.

С. ВЕЛИЧКИН,
(ЎзТАГ фотомухбири).

Ажаб дунё

ҒАРБДА КЎТАРИЛГАН АЙЮҲАННОС

Ўзбекистонда ҳам эшитмаган одам қолмаган бўлса керак: Тожикистон раҳбарлари чет элга, мусулмон давлатларига уран сотишаётган эмиш. Кимлардир бу хабарни эшитса ҳам эътибор бермади: нима бўпти — сотса сотар, ўзининг бойлиги бўлгандан кейин сотади-да. Бироқ Тожикистонда рус тилида чиқадиган жумҳурият рўзномаси «Народная газета»да шу ҳақда хабар босилгач, ишонмаганлар ҳам ишониб қолишди. Республикадан ташқарида эса, Ғарб журналистлари жар солардилар: «Ўрта Осиёдаги мусулмон жумҳуриятлари бошқа мусулмон давлатлари билан бирлашишмоқда. Мана, Тожикистон фалон-фалон аралаш жумлалардан фалон давлатларга уран сотмоқчи...».

Аслида мана шу айюҳаннос аралаш жумлалардан ҳали амалга ошмаган савдо атрофида гап-сўз нега бунчалик кўпаяётгани сабабини тезгина қидириб топиш мумкин эди. Лекин, яхшиси, биз ғарблик айрим ҳамкасбларимиз каби қизиққонлик қилмайликда, воқеага сал юқорироқдан туриб назар ташлайлик.

Хўш, ҳозир Тожикистон уранга эгами асли? Мен бу-ни тасдиқламоқчи ёки инкор этмоқчи ҳам эмасман. Лекин шуни бемалол айтишим мумкинки, Ленинобод вилоятидаги йирик бир корхонада олдинги йилларда уран қайта ишланар эди. Ўйлаб кўринг, илгарилари унча-мунча корхонанинг 25 йиллигини нишонлаб, уни Ленин ордени билан мукофотлашармиди? Йўқ, албатта. Лекин ўша пайтлари тайёрлаётган маҳсулоти халқдан яшириб келинган, бироқ атрофга заҳар тарқатиб, маҳаллий аҳоли томонидан «сариқ тутун» деб аталган бу корхонани... энг олий мукофот билан тақдирлашди. Яна такрорлаймиз: бекорга эмасдир. Ленин орденли жамоалар кейинчалик қўзиқориндай кўпайиб кетди.

Ҳозир ўша номи ҳам, маҳсулоти ҳам, борлиги сир тутиб келинган корхона жойлашган Чкалов шаҳрига туташ Ғафуров шаҳрида одамлар кўзига ажал рамзидек кўринадиган сунъий тепалик бор. Илгари қизғиш-сариқ тупроқли тепалик устида болалар ўйнаб юришарди. Атрофда эса рак каби оғир касалликлар кўпайгандан кўпайиб бораверарди. Охири, тепалик устига анчагина қалинликда шағал тўкишди, атрофни девор билан ўраб, бир неча жойга «Эҳтиёт бўлинг! Хавфли!» сўзлари ўзбек, тожик, рус тилларида ўқлоғдек ҳарфлар билан ёзиб қўйилди.

Шундан кейин бу тепаликнинг остида уран моддали хом ашё ётганлигини билмаган ҳам билиб олди. Худди ўша тепалик тўғрисида янги касалхона қурилаётгани учунми, биринчи бўлиб шифокорлар бош кўтаришди. Лекин «машҳур корхона» раҳбарлари ҳеч қандай радиация ҳавфи йўқлигини зўр бериб исботлашга уринишди. Бош директорнинг ўзи (ҳозир у вафот этган) матбуотда қарши мақола билан чиқар экан, тепаликни кўчириш хавфли, дея сирнинг қолган-қутганини ҳам ошкор қилиб қўйди.

Шундан кейин корхонада фуқаролар учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани ҳақида гапираверишди, гапираверишди...

Яқинда Тожикистон Олий Кенгаши сессиясида уран савдоси ҳақида чет элда тарқатилган гаплар муҳокама қилинди. Жумҳурият раҳбарларидан бири сўзга чиқиб, тўғри, илгари биз уранни қайта ишлардик, ҳозир Табошар ва Адрасмон ҳавзаларида хом ашё тугаб битди, шунинг учун «Востокредмет» (ўша корхонанинг ҳозирги номи) халқ учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда, деди. «Народная газета» муҳаррири босилган хабар учун Ахборот агентлиги жавоб беради, дея қутулди.

Фақат Ленинобод вилоятидагина эмас, Ўрта Осиёнинг бошқа бир-икки жумҳурияти ва Қозоғистонда ҳам корхоналари бўлган ўша йирик бирлашма анчадан бери «Тожикистон» автобусларини ишлаб чиқаради, спирт заводини фойдаланишга топшириш учун ҳозирлиқ кўрилаётир. Лекин нима бўлгандаям ғарбликларни ташвишга солган ўша уран илгари қайта ишланарди-ку! Вагонлар келаверарди, кетаверарди, нимани олиб келиб нимани ташиб кетаётганини «сариқ тутун»дагилардан бошқа ҳеч ким билмасди.

Энди мен ўзимни қийнаб келаётган бир саволни ўртага ташлайин. Илгари Тожикистон урани Россияга олиб кетилаётганда чурқ этиб оғиз очмаган ғарбликлар нега энди бугун бўлмаган савдо атрофида шунчалик ташвишга тушиб қолишди? Улар нега «мусулмон иттифоқи»дан шунчалик чўчишаяпти? Насронийларнинг ядро қуроллари борлиги ва унинг беҳад кўплиги улар учун одатий ҳол туюладию, собиқ совет жумҳуриятидан сотилиши эҳтимол тутилаётган урандан шунчалик қўрқиб-қалтирашадими? Нима, ё мусулмоннинг қони тез, урушни бошлаворишади, дейишадими? Унда, жилла қурса, биринчи ва иккинчи жаҳон урушларини ким бошлаганлигини эслаб қўйсалар яхши бўларди!

Борингки, ўша уран Тожикистонда мавжуд экан ва уни кимгадир сотди ҳам дейлик. Хўш, бу модда яхши мақсадларда ишлатилиб, шу ҳисобдан жумҳуриятнинг қизил империя даврида эзилган, ночор халқи бирозгина қаддини тиклаб олса нимаси ёмон? Ёки буни ғарбликлар исташмайдими? Ё уларни собиқ империянинг айрим пастқамларидан туриб гиж-гижлаётганлар борми? Саволларга жавоб излаётиб яна саволга бериламан: ғалламис ганимлар. мусулмонни кўкрагидан итаришар экан, мусулмон мусулмондан нажот изламасдан, яна кимга юкинсин?

Ишқилиб, дунёни ҳар ким ўз қаричи билан ўлчарканда. «Уран савдо»сини ўз аршинлари билан ўлчаганлар ўша аршинлар ҳамма ерга ҳам тўғри келавермаслигини билишармикан?

Уринбой УСМОН,
«Халқ сўзи»нинг Хўжанддаги ўз мухбири.

Ё тавба!

РАҚАМЛАР ОСТИДАГИ ТАШВИҚОТ

... Эсингизда бўлса, «Бойила хизматчи»да Ғофир Сибирга сургун қилинади. Шўрлик Жамила эса «Оҳ, Сибирь дегани қандай юрт экан, борсаммикан...» дея ўйлайди. Бу — замон манзараси, оқпошшолар туркистонлик аҳолини қул каби ишлатиш-у, Сибирдек жойни обод қилиш ниятида бўлганлар. Бир қадар ўз ниятларига эришганлар ҳам.

Мен ўқиган институтда Шостакова Лена исмли чимкентлик қиз ҳам ўқирди. Ўтган йили у ўқишни сиртқига ўтказдию Жамилага ўхшаб ўйлаб ўтирмасдан, «Қайдасан, Сибирь», деб жўнаб кетди...

Яқинда Лена Тошкентга, қишки сессияни топширгани келган маҳал биз, курсдошлари ундан ҳол-аҳвол сўрадик. Ҳар қалай Ўрта Осиёда туғилиб ўсган қиз ҳозирги қийинчилик замонида Сибирдек юртларга кўникиб кетдимикан деб ўйладик-да. Аммо у ўз шароитларини гапириб берганида, ҳаммамиз лол қолдик. Бир кило хурмо Красноярскда 8 сўм 50 тийин экан (Тошкентда ҳам 8—9 сўм). Лена истиқомат қилаётган ҳудуд Ангара дарёсининг ёқасида жойлашган бўлиб, балиқ жуда сероб эмиш. Ҳар бир оила қишга асрайдиган картошка, сабзи, пиёз ва карамни ўз томорқасида етиштираркан. Олой бозорида бир кило сабзини 3 ярим сўмдан сотишаётганини кўрган Леванинг бизга раҳми келди. Уларда бир ярим сўм эмиш. Мен рўзномада ишлаб 250 сўм маош билан ишлаётганимни эшитиб, у худди ўзга сайёрадан тушган одамдай кўзларини пирпиратди. Чунки уларда мактаб ўқитувчиларининг маоши 2000 сўм экан. Ўрмончилар, кончилар ёки бошқа жисмоний касб эгаларинкини айтса ишонмайсиз.

Тошкентдаги тижорат магазинларида нархлар сибирликлар учун ҳайратомуз денг. Тўғри, уларда тижорат магазинлари кам экан. Лекин бунинг учун улар афсус қилишмайди, аксинча «Худога шукур» дейишади. Корхона ва ташкилотлар вақти-вақти билан хорижий кийим-кечакларни келтириб, давлат нархида сотиб турарканг. Қандини уришсин, азаматлар, дедик.

Марказий матбуот доимо Ўзбекистонда тўкинчилик, Россияда ейишга нарса йўқ, Тошкент дўконларида хорижий моллар тиқилиб ётибди, деб жар солади. Хўш, бундай тескари ташвиқотдан мақсад нима? Менимча, назаримда улар шу йўл билан ўша ёқдаги ишёқмасларни биз томонга алдаб юборишмоқчи ёки Россия шаҳарларига келиб олишмасин, дея бу ёқдагиларни ваҳимага солмоқчи бўлишаяпти.

Аслида эса Россия шаҳарларида озиқ-овқат қиммат деб айюҳаннос солаётганлар мўмайгина маош олишади. Содда ҳамюртларимиз эса бола-чақасининг оғзидан мева-чеваларни олиб, «Қайдасан, шимол» деб учиб кетишаяпти. Оқибатда шимолда серобчилик, жанубда эса нарх-наво осмонда.

Наҳотки ўзбек тижоратчисию нуктадон раҳбарлари сиёсий иқтисодни ўрганмаган бўлишса? Украина ўз пулларини зарб қилмоқчи. Молдовада ҳам шундай гаплар бор. Бизда-чи? Пул ислоҳоти бўлмаслигига ким кафолат беради...

Иброҳим ЖИЯНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЯНГИ РЎЗНОМА

Мустақил «Рокодром» рўзномаси республика пойтахти рўзномалари қаторига қўшилди. Яхшилаб безатилган саккиз саҳифали рўзнома замонавий мусиқаий эфсал кўрувчиларни қизиқтириш турган гап. Таъсисчилар, ёш журналистлар ўз рўзномаларини шундай таърифлайдилар: «Аввалига «Рокодром» соф мусиқавий нашр бўлади, деб ўйлаган эдик. Бироқ вақт ўтиши билан фуқаролар эркинлиги нарх-навонинг эркинлигига келиб тақалгач, фақат «Рок-н-ролл» билан қорин тўймаслиги маълум бўлди-қолди. Шунинг учун бизнинг мусиқавий сарлавҳамиз остида турлича мазмун борлигини пайқаш мумкин».

Ҳафталикнинг биринчи сонида ўқувчилар ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий мавзудаги хабарлар билан танишадилар. Жанр мавзуси ҳам ҳар хил бўлиб, савол-жавоблар, шарҳ, репортажлар бериб борилади.

(ЎзТАГ).

Инсон. Имон. Жамият

ЗАМБАРАК БИЛАН ЧУМЧУҚ ОТАМИЗМИ?

Энг аввало мақоланинг сарлавҳасига изоҳ бермоқчимиз. Аслини олганда журналист — оқловчи эмас. Лекин жамият томонидан зиммасига юклатилган вазифа, касби тақозо этган бурч унга тақдири издан чиққан, адолатсизликка йўлиққан кишиларни ҳимоя қилиш масъулиятини юклайди. Энди асосий гапга кўчамиз.

Орифжон Ураимовга Африкадан, Анголанинг Нгунза шаҳридан хат келди. Ўша ердаги йирик пахта тозалаш заводининг муҳандиси бўлиб ишлаётган дўсти ва шогирди ҳол-аҳвол сўраш билан бирга баъзи масалалар билан қизиқсинибди:

«Нималар бўлаяпти сизларда ўзи, маэстро Аруф? Қайта қуришинглар дам олга босиб, дам жойидан жилмай қўяётганга ўхшайди. Бу ўзгаришлар ишингга таъсир қилмаяптими?

Сени биз, анголаликлар, ўсиб, улғаядиган иқтидорли мутахассислардан деб биламиз. Илмий ишинг, ихтиочилик соҳасидаги изланишларинг қандай бораяпти? Биз томонларга бир кел. Ўзгаришларни ўз кўзинг билан кўрасан. Ахир, уларда сенинг ҳам озми-кўпми ҳиссанг бор-ку!»

..Қоқ туш пайти, саратон. Андижон қуёши аямай қиздиради. Орифжон хатни икки буклаб кўйлак чўнтагига солди-да, ҳовлига чиқди. «Волга»нинг моторини ўт олдирди Ҳа, бу оппоқ машина ҳам ўша узоқ Анголадан эсдалик...

Кенг Навоий шоҳкўчаси бўйлаб борар экан, кўзлари ўнг ва чап томондаги қаторқатор маъмурий биноларга тушди. Уларнинг бирида Орифжон уч-тўрт ойлаб терговчиларга сўроқ бериб чиққан эди. Бошқасининг ертўласида эса етти-саккиз ойлаб сўроқсиз ётди... Мана энди ҳамма ташвишлар орқада. Хайрият, сал-пал енгил нафас оладиган кунлар ҳам келди.

У машинасини вилоят прокуратураси биноси ёнида тўхтатди. Ичкарига кириб, бироз ҳаяжонланган ҳолда таниш эшикни очди. Ўрта бўй, истараси иссиқ йигит уни кўриб ўрнидан турди.

— Мана сизнинг ишингизга ниҳоят сўнгги нуқта қўйилди, — деди у. — Ноилож ишламай юрган кунларингиз учун ҳақ тўғрисидаги ҳужжатни ҳам тайёрладик, эртага оласиз.

Терговчи узатган қоғозда қуйидаги сўзлар битилган эди:

«Сизнинг жиноят содир этишда иштирокингиз исботланмаганлиги сабабли иш ЎзССР ЖПКнинг 175-моддаси 2-қисми билан ҳаракатдан тўхтатилди...

СССР Олий Совети Президиумининг 1981 йил 18 майидаги «Давлат ва жамоат ташкилотларининг қонунсиз ҳаракатлари билан гражданларга келтирилган зарарни тўлаш ҳақида ҳамда суд, прокуратура, дастлабки тергов-суриштириш органларининг қонунсиз ҳаракатлари билан уларга келтирилган зарарни ундириш тартиби» ҳақидаги 1982 йил 3 мартдаги низомга асосан Ураимов О. жиноий жавобгарликка тортилгунга қадар ишлаган лавозимига тикланмоғи ёки ўшанга тенг иш билан таъминланиши даркор.

...Ушбу фармон талабларини бажаришингизни сўрайман.

У. ИНОМЖОНОВ
Андижон вилоят прокурори, 3-даражали адлия давлат маслаҳатчиси».

...Орифжон Ленинградда институтни тугаллаб қайтгач, Пахта тозалаш саноати вазирлигида муҳандис бўлиб ишлади. Кейин бўлим мудирлигига кўтарилди. Шу йиллари тармоқда иш жараёнини такомиллаштириш, қўл меҳнатини енгиллаштириш юзасидан тўртта ихтиро яратди. Улар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилди.

Етмишинчи йилларнинг охирида у чет элга, узоқ муддатли хизмат сафарига жўнатилди. Икки йил Анголада ишлаб қайтди. У ерда пахта тозалаш саноатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Сўнг уни она юрти — Чинобод қишлоғида янги очилган, деярли минг кишилик жамоага эга бўлган пахта заводига директорликка тайинлашди.

Орифжон бу ерда ишни энг аввало ижтимоий масалаларни ҳал этишдан бошлади. Унинг ташаббуси билан Қорадарё ёқасидаги сўлим оромгоҳда уч юз кишилик профилакторий қурилди. Янги болалар боқчалари очилди. Дам олиш уйи ишга туширилди. Ободончиликка, ишчиларнинг турмуш шароитини яхшилашга алоҳида аҳамият берилди.

Ҳамма-ҳаммаси яхши эди. Лекин бир нарсани унутмайлик. Биз сўзлаётган воқеалар тарихимизга «қўшиб ёзиш», «пахта иши» каби ваҳимали атамалар билан белгиланадиган машъум йилларда бўлиб ўтаётган эди. Унинг шамоли, бўрони кўплар қатори Орифжонни ҳам четлаб ўтмади.

Яхшиси бу ҳақда Орифжоннинг ўзидан эшитайлик:

— Ўша 1983 йилнинг охирида бизнинг Балиқчи районимизда пахта режаси 78 фоизда қолиб кетди. Район раҳбарларининг тазйиқи билан ҳисоблаш бошқармаси (райстат) бир неча юз тонна пахтани қўшиб ёзиб кўрсатди. Мен бу нарсага қатъий қаршилик қилдим. Лекин қора кучлар шунчалик қудратли эдики, таслим бўлмай иложим қолмади. Пахта қоғозда, фақат ҳисобда қўшилди, холос. Бундан на пахта заводи, на бирон-бир хўжалик, на бирон бир шахс озгина бўлса-да фойда ҳам, зиён ҳам кўргани йўқ.

— Хўш, ўша пахта билан районнинг режаси қанчага борди?

— Саксон тўртга.

— Қизиқ, 79 бўлди нимаю 84 бўлди нима? Барибир тўлмабди-ку?

— Билолмадим, — елка қисади Орифжон, — билолмадим кимга керак бўлди экан бу нарса?..

Кўп ўтмай эса «тозалаш» бошланди. «Пахта иши» юзасидан устма-уст келган комиссиялар заводни ойлаб текширдилар. Бир сўз билан айтганда, тирноқ остидан кир изладилар. Орифжон бўлган ишларни яширимай, оқизмай-томизмай айтиб берди.

Ишга терговчилардан ҳам кўра кўпроқ партиявий органлар қамчи боса бошладилар. Чинобод пахта заводининг ўша пайтдаги бошланғич партия ташкилоти котиби Набижон Ғаниев шундай ҳикоя қилади:

— Заводимизга райком вакиллари устма-уст етти марта келиб, йиғилиш ўтказишди. Кун тартибида битта масала: коммунист Орифжон Ураимовнинг шахсий иши. Райком вакиллари терговчилар нима деган бўлишса, ўша гапни тўтиқуш каби такрорлашарди. Директорга бўлмагур айбларни юклашарди. Биз Орифжонни қўлимиздан келганча ҳимоя қилдик. Савол бердик: «Қани, айтинглар-чи, партиядан ўчиришга арзирли нима айби бор? Ахир, биз бу йигитни яхши биламиз-ку! Улар эса вилоят ва жумҳурият прокуратураси ходимларининг қандайдир кўрсатмаларига шама қилишади. Охири нима билан тугади дейсизми? Орифжонни завод коммунистлари партиядан ўчирмадилар. Кўп ўтмай, уни қамаб қўйишгач, райком бюросида сиртдан ўчириб юборишди.

Кейин эса қамоқхона. Сўроқлар етти ойдан кўпроқ давом этди. Ниҳоят, суд ҳукми: шартли жазо ва ойлик маошидан икки йил давомида йигирма фоиздан ушлаб қолиш.

Орифжон яна елди-югурди. Ўзининг ҳақ-ҳуқуқи, топталган қадрияти учун курашни давом эттирди, Маъмурий органлар унинг ишини футбол тўпи каби бири иккинчисига ошира бошладилар. Судра-судра ойлаб, йиллаб давом этди.

Кунлар кетидан кунлар ўтди. Тирикчиликни ўйлаш, бирон-бир жойда меҳнат қилиш керак эди. Лекин оз муддатга бўлсада қамалиб чиққан, партиядан ўчирилган одамга бирон-бир тузукроқ ишни ким ҳам ишониб топширарди!

Орифжоннинг акалари тўпланишиб, шундай маслаҳат қилишди: ахир, биз тикувчилар сулоласиданмизку! Отамиз ҳам, катта бобомиз ҳам қўли гул тикувчилар бўлишган! Биргалашиб уларнинг касбини давом эттирсак-чи. Қишлоқда касаначи чевар аёллар кўп. Уларнинг бошини бир ерга қўшсак, отамиздан қолган уйда етти-саккизта хона бўш ётибди. Кийидек цех бўлади-қолади.

Кичик корхона, яъни кийим-кечак цехи очиш тўғрисидаги фикр ана шундай пайдо бўлди. Орифжонни расмий равишда корхона директорлигига сайладилар. Акалари, укалари, жиянлари ёрдамга келишди. Бири экспедитор, бири бичувчи, бири товаршунос бўлди.

Мана уч йилдирки, уйда ташкил этилган қўлбола фабрика расмий равишда рўйхатга олиниб, ишлаяпти. Тикилган маҳсулотлар эса савдо шохобчаларига етказиб берилаяпти. Орифжон елиб-югуриб корхонага чет элда ишлаб чиқарилган бир нечта тикув машинаси сотиб олди. Хотин-қизларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилди. Улар эрталаб келишади-да, куни бўйи чеварчилик қилишгач, пешинда болалари ёнига қайтишади. Ойлик маошлари ҳам 300—400 сўм атрофида. Чеварлардан Матлуба Орзиқулова, Ҳавохон Мирсалимова, Зулхумор Раҳмонова ва бошқалар билан суҳбатлашганимизда улар Орифжон кичик корхона ташкил этиб, жонларига оро кирганликлари тўғрисида гапириб беришди.

— Корхонамизда меҳнат ва декрет отпускалари жорий этилган, — дейишди улар, — худо кўрсатмасин, ўзимиз ёки болаларимиз оғриб қолгундек бўлсак, касаллик варақаси ҳам очилади. Бир маҳал бепул овқат ташкил этилган. Ишхоналаримиз озода, ёруғ, ҳамма шароит бор.

Кичик корхона ҳозир ойига ярим миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Улар аёллар, эркаклар ва ёш болаларнинг 20 хил кийимлари, шифокорлар ва чорвадорлар учун халатлар ва бошқалардан иборат. Модельер Озода Тўхтасинова кийим-кечаклар замонавий, кўркам ва бежирим бўлишини таъминласа, техника назорати бошлиғи Соҳиба Исоқова ҳар бир кийимни қатъий равишда текшириб, сўнг қабул қилиб олади.

Орифжоннинг режалари катта. Бирон-бир сабаб билан фабрикага келишга имконияти бўлмаган аёллар учун уйда ишлашга шароит яратиб берилган. Директор ушбу соҳани янада такомиллаштирмоқчи. Фабрика учун алоҳида болалар боғчаси очиш режаси бор.

Ҳаммаси яхши, ҳаммаси изига тушиб кетган. Орифжон яна аввалгидек иззат-ҳурматда. Топиш-тутиши ҳам дурустгина. Оиласида тотувлик. Саксонни қоралаб қолган онаси ҳар куни беш маҳал номоз пайтида уни дуо қилиб турибди.

Баъзи бирларингиз:«Ахир иши яхши бўлиб кетибди-ку, яна нима керак унга?»— дейишингиз мумкин. Хулосангиз ўринли...

Лекин инсон фақатгина нон билан тирик эмас-да.

Истеъдодли шоир Муҳаммад Юсуфнинг машҳур бир шеърини бироз бошқачароқ қилиб шундай айтиш мумкин: «Қўшиб ёзиш асли кимга керак бўлди? Қўшиб ёзиб кимнинг бўйи терак бўлди?»

Ҳа-да, кимнинг бўйи терак бўлди? Ўша пайтда Орифжонни шу ишга мажбур қилган райком котиби бир-икки йил ўтгач, юрак ҳуружи туфайли оламдан ўтди. Бошқалар эса турли сабабларга кўра ишдан кетдилар. Жавоб беришга келганда ёлғиз Орифжоннинг ўзи қолди.

Ҳозир Орифжон вилоятдаги юзлаб тадбиркорлардан бири. Аммо оддийгина тикув цехига етакчилик қилиш учун Ленинграддек жойнинг мўътабар билим даргоҳларидан бири—политехника олийгоҳини имтиёзли диплом билан битириб келиш, узоқ муддатли чет эл командировкасидек жиддий синовдан муваффақиятли ўтиш, таниқли бўлиш шартмиди? Маъзур тутгайсизлар-у, аммо Орифжоннинг ҳозирги ишини олиб кетиш учун бироз тадбиркорлигу оддийгина ҳунар-техника билим юртининг шаҳодатномаси кифоя эди, холос. Ахир қачонгача биз замбарак билан чумчуқ отамиз?

Саксонинчи йилларнинг ўрталарида эсган шамол кўпгина мўрт, илдизи чириган дарахтларни қулатиб кетди. Афсус, афсус, ўша шамолдан энди униб, кўкариб, ҳосилга кирай деб қолган ниҳоллар ҳам азият чекдилар. Ҳозирги вазифа—ўша ниҳолларнинг остига сув қуйиш, уларни кўкартириш, ҳосилидан баҳраманд бўлишдир.

Биз бир нарсага амин бўлишни хоҳлардик. «Ҳеч бўлгандан кўра кеч бўлгани яхшироқ» деган рус мақоли бор. Орифжон билимини, тажрибасини ўзи севган, ихлос қўйган ишига бағишламоғи лозим. Бунинг учун кўп нарса талаб қилинмайди. Ахир, биз ҳуқуқий давлат қурамиз, дея қанчаданқанча катта гапириб келяпмиз-ку!

...Мақолага сўнгги нуқта қўйишдан олдин яна бир нарса ҳақида ўйланиб қолдик. Яхшиямки Ўзбекистондан чиқадиган рўзномалар Анголага етиб бормайди. Акс ҳолда Франсишко ва унинг дўстларининг юртида катта қадр-қимматга эга бўлган «Маэстро Аруф»га ўхшаш иқтидорли, қобилиятли, рамзий маъно бериб айтадиган бўлсак, олтин кадрларнинг биздаги аянчли саргузаштларини ўқиб, ҳайратдан ёқа ушлаб қолган бўлардилар. Мана шу нарса ҳам ўйлантириб қўяди кишини...

Йўлдош ИСМОИЛОВ,
Қодиржон СОБИРОВ.

РЕСПУБЛИКА ХАБАРЛАРИ

ЯНГИ ПРЕПАРАТ

«Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Андижон филиалида пахтачилик учун заҳарсиз ферростимулятор ишлаб чиқилди. Янги препарат вилоятнинг Пахтаобод, Балиқчи, Жалолқудуқ ва Комсомолобод районларидаги хўжаликларда «Ан—402». «Андижон—9», Қирғиз —3», «175—Ф» навларида синаб кўрилади. Пахтанинг сорт сифатларини яхшилашга ёрдам берадиган бу ферростимулятор аллергия касаллигига сабаб бўлмайди, инсон организмига салбий таъсир кўрсатмайди.

МАҲСУЛОТ ТЎРИ КЎПАЙМОҚДА

Спорт кийимлари тикиладиган эксперименталь фабрика Тошлоқ районидаги энг кенжа саноат корхонаси ҳисобланади. Шунга қарамай унинг жамоаси тайёрланаётган буюмлар турини кўпайтирмоқда. Ҳозир бу ерда саккиз хил кийимкечак тикиляпти. Болалар жемпери ва майкалари, спорт формалари айниқса тез сотилмоқда.

Ўтган йили корхона қариб 85 минг сўм соф фойда кўрди. Даромаднинг бир қисми ишчиларга мукофот учун, шуниндек овқат пули, ёш болали аёлларга нафақа учун сарфланди.

АҲОЛИ УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Фарғона вилоятининг Бешариқ шаҳри аҳолиси янги йилдан яна бир қулайликка эга бўлди. Бу ерда уч қаватли тиш даволаш ва ўрнатиш поликлиникаси фойдаланишга топширилди. Хорижда ва мамлакатимизда тайёрланган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу поликлиникада даволовчилар учун ҳам, беморлар учун ҳам қулай шароит яратилган. Бинонинг биринчи ва учинчи қаватларида болалар ҳамда катталарга, иккинчи қаватда эса уруш ва меҳнат фаҳрийларига хизмат кўрсатилади.

ТЕГИРМОН ИШГА ТУШДИ

Қарши районидаги Акмал Икромов номли давлат хўжалигида электр қуввати билан ишлайдиган тегирмон ишга туширилди. У ҳар кеча-кундузда тўрт тоннагача дон тортиш қувватига эга. Тегирмон хизматидан хўжаликнинг Хилол, Керайит, Сарой, Миллақувват қишлоқлари аҳолиси бахраманд бўлмоқда. Улар республика Президенти фармонига кўра ўтган йили кузда хўжалик тақсимлаб берган бугдойни ун қилдириб олмоқдалар.

(ЎзТАГ).

БОШ МУҲАРРИР Аҳмаджон МУХТОРОВ.

МУАССИС: *Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши*

МАНЗИЛИМИЗ: *700000, ГСП Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 19-уй*

Телефонлар: 32-09-67, 33-07-48. Индекс: 64608.
Буюртма № 37. 100000 нусхада чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 01.00. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12